ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

3 июль, пайшанба 1997 йил №77 (428)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ЯНГИ АСАР ТАҚДИМНОМАСИ

Бухоро вилояти ҳокимлигида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли янги асарининг тақдимномасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими, маданият муассасалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, зиёлилар, оммавий аҳборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Унда Узбекистон Республикаси Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов, журналистлар Нарзулло Жўраев, Қуддус Аъзамов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон миллий маркази директори Акмал Саидов, Узбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, «Халқ сўзи» газетасининг бош муҳаррири Аббосхон Усмонов, «»Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлимининг раиси Ортиқ Вафоев ва бошқалар сўзга чиқиб, юртбошимизнинг мазкур янги асари келажаги буюк Узбекистонни ўз фидокорона меҳнати билан барпо этаётган халқимиз учун муҳим дастуриламал эканлигини, ушбу китобда Мустақиллик йилларида эришилган натижалар чуқур таҳлил этилганлигини, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ва ички муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқ белгилаб берилганлигини таъкидладилар. Президент янги рисоласининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва тарбиявий аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими Самойдин Ҳусенов қатнашди ҳамда мазкур китобни ўрганиш бўйича вилоятда бажарилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида батафсил сўз юритди.

Асқар ИСТАМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Конемцу корпорейшн» япон компаниясининг бошқарув директори Кидо Масами ТИАВ раҳбарларига Тошкентда қурилажак чиқинди ёқиш заводининг лойиҳасини таклиф этди. Айни пайтда Америка, Германия ва японияликлар тавсия қилган лойиҳалар ўзбекистонлик экспертлар томонидан ўрганилмоқда. Танлов натижалари эса шу йилнинг октябрь ойида аниқланади.

«Конемацу корпорейшн» лойиҳаси 150 миллион Америка долларида баҳоланган. Бундан 100 миллиони чиқинди ёққич қурилмасига, 30 миллиони қурилиш ишларига ва қолган 20 миллиони транспорт харид қилиш харажатларига сарф қилинади.

* * *

Кореянинг «Хала» фирмаси Жиззах ва республикамизнинг бошқа вилоятларидаги цемент заводларига инвестиция ўтказиш истагини билдирди. Бу лойиҳанинг умумий баҳоси 200 миллион Америка долларини ташкил этади.

Яқин ўртада фирма вакилларининг «Узқурилишжиҳоз» ва вилоятдаги ҳокимликлар билан музокаралари бўлиб ўтади.

* * *

Узбекистонга Чехиянинг «Шкода» фирмаси директори Лубошир Соудек бошлиқ бир қанча чехиялик тадбиркорлар ташриф буюришди. Ташриф мобайнида республика сув ва қишлоқ хўжалиги Вазирлигида Узбекистондаги кичик гидроэнергетикани ривожлантириш борасидаги шартномалар имзоланди.

Шартномага биноан чехиялик тадбиркорлар фақатгина замонавий ускуналар билан таъминлабгина қолмай, қурилаётган лойиҳаларнинг моддий томонини ҳам ўз зиммаларига олишади. Бундан ташқари, чехиялик тадбиркорларнинг «Шкода» маркали автомобиллар ишлаб чиқариш ва таъмирлаш борасида ҳам қўшма корхоналар бунёд этиш ниятлари бор. Ҳозир шу маркадаги троллейбуслар партиясини Узбекистонга келтириш ва таъмирлаш устахоналарини очиш ҳақида музокара олиб борилмоқда. Келажакда троллейбус йиғиш заводининг ташкил этилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

* * *

Чирчиқда «Кибо болалар пойафзали» ўзбек-германия қўшма корхонасининг тадбиқномаси бўлиб ўтди. Бу тантанали маросимда Узбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов, Германия Федератив Республикасининг элчиси Райнхард Биндайль «Эвимекс» фирмасининг директори Иштван Хоук қатнашишди.

Корхона ўтган йилнинг декабрь ойидан ишга тушган булса-да, бу маросим унинг расмий очилишини қайд этди. Корхонадан ҳар куни 700 жуфт болалар пойафзали чиқарилади. Корхонанинг йиллик қуввати 330 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқаришга тенг.

Тадбиқот маросимида бош вазир ўринбосари Мираброр Усмонов Республика Президенти номидан Узбекистон пойафзал саноатига қўшган салмоқли ҳиссалари учун жаноб Иштван Хоукка «Шуҳрат» медалини топширди.

* * *

Германиянинг Siemens AG ташкилоти яқин кунларда 1,5 миллион доллар миқдоридаги транспорт қурилмаларини мамлакатимизга олиб кела бошлайди.

Бу ускуналар Урганч-Хива ўртасида ўтказилаётган троллейбус линияларида ишлатилади. Троллейбус йўлининг узунлиги 34 км.ни ташкил этади. Қурилиш ишлари Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей тантаналари олдидан тугалланиши режалаштирилган. Лойиҳа ва қурилиш ишларининг умумий баҳоси 15 миллион америка долларини ташкил этади.

А. БОБОЕВ.

Қарор ва шарҳ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997-98 ўқув йилда Узбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга биноан янги ўқув йилида йигирма бир минг давлат грантлари белгиланиб, улар таълим йўналишлари ҳамда Узбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари бўйича тақсимланади. Қарорга кўра, қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун Узбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг таркиби тасдиқланади. Бундай комиссиянинг ташкил этилиши республикамиз олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиниши давлат назоратида бўлишидан, бу эса ўз навбатида абитуриентлар адолатли тартибда олий ўқув юртларига қабул қилинишларидан далолат беради.

Маълумки, республикамизда кадр-мутахиссислар масаласига алохида эътибор билан қаралмоқда. Олий ўқув юртларида халқ хўжалигимиз учун зарур ихтисослар, бўйича кадрлар тайёрланиши бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда асосий ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан олганда, қарорга биноан Узбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга ҳар йили 1 февралга қадар республика ва минтақаларнинг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахиссислар тайёрлаш юзасидан таклифларини киритиб боришлари йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ



— «Бухоропарранда» ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда ўз фаолиятида ижобий ўзгаришлар ясаб, иш юритаяпти. Хўш, бу ижобий ўзгаришлар нималардан иборат ва бунинг самараси қандай булаяпти?

— Аввало, — дейди жамият раиси Убайдулла Қобилов, — ишни бунгача бўлган камчиликларни бартараф этишдан бошладик. Йиллик режалар бажарилмай келинар, паррандалар сони кун сайин камайиб, ишчилар ойлаб маошларини ололмай келаётган эди.

Албатта, буларни бартараф этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Шубҳасиз, бу ўринда янги раҳбар Убайдулло Қобиловнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги асқотди. Натижада 1995—1996 йиллар режаси ошириб бажарилди. Паррандалар сони ортди. Хусусан, она товуқлар сони 78 мингтага етди. Шу кунларда 100 минг жўжа парвариш қилинаяпти.

Жамоада ҳозир 300 га яқин одам иш билан банд. Ушбу йилда ишнинг кўзини билган жамоа аъзолари деҳқончиликка ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Зотан бу паррандалар учун озуқа сифатида ҳам, ишчи-ходимлар шахсий манфаати учун ҳам сув билан ҳаводек зарур. Ушбу йилда 37 гектар ерга бугдой экилиб, ҳосили уриб-йиғиб олинди, 33 гектар майдонда маккажўхори парвариш қилинмоқда. 1,5 гектар ерга картошка экилиб, 15 тоннадан зиёд ҳосил олинди ва жамоа аъзоларига энг арзон нархда сотилди. Шунингдек, 15 гектар майдонга пахта экилган. Бундан келадиган фойда ҳам асосан жамият ишчилари манфаатига хизмат қилади. Бу ишларда жамоа бош агрономи Соли Каримовнинг тажрибаси қўл келаяпти.

Шундай қилиб, жамоа ҳар бир йилни фойда билан якунламоқда. Олинган фойданинг кўп қисми ишчилар манфаати учун сарфланмоқда. Шунингдек, хайрия фондлари, ободонлаштириш ишлари ҳам жамият раҳбарларининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Суратларда: «Бухоропарранда» ҳиссадорлик жамияти аъзолари (чапдан) Зебо Каттаева, Нарзулло Мўминов, Тошпўлат Баротовлар.

Паррандабоқар Манзура Исмоилова.

«ХОМАШЁ ЭМАС, МОЛ СОТАМИЗ»

Ўн, ўн беш йил илгари биз ҳикоя қилмоқчи бўлган корхона ҳақида вақтли матбуотда ахборот бериш давлат сирини очиш билан баробар эди. Корхона нашки собиқ иттифоқда, унинг ташқарисида фақат маҳсулотлари (номи тилга олинмасди) билан машҳур ва мазкур бўлган. Ҳозирги кунда ижара пудратидаги «Электросигнал» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига мамлакатимизда, Марказий Осиё, МДҲ давлатларида талаб каттадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхона том маънода янгиланиш ва ислоҳий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Абдурашид Хонкелдиев ва унинг ўринбосари Мирсолиҳ Ҳикматуллаев бу лавозимга тайинланганлигига икки ой бўлибди.

Раис билан суҳбатимиз корхонада йўлга қўйилаётган янгиланишлар ҳақидаги маълумотлар билан бошланди.

- Ҳозирги даврда иқтисодий ривожланишнинг негизи маркетингсиз ишлаб чиқаришни тасаввур қилиб бўлмайди. Аслида маркетинг сўзининг қамрови жуда кенгдир. Маркетинг - фаровон ҳаётни яратиш ва меъёрида тутишнинг бадастуридир. Бу -эҳтиёж, зарурат, маҳсулот, мол алмашинув, келишув ва бозор, тушунчаларини ўз ичига олган қонуниятдир. Уйимизни тунги ёруглиги, радиоимиздан ёки телевизоримиздан таралаётган турли хабарлар ва дилрабо куй-қўшиқлар, узоғимизни яқин қиладиган телефон... Хўжалигимизда ишлатиладиган электр буюмлар...

Маиший электр асбоб - анжомларида қўлланиладиган сим ва ток ўтказгичлар, телефон ва телеграф кабелларидан то сув остидан ўтувчи ўта юқори кучланишни кўтара оладиган кабеллар. .. Бирма-бир санаш қийин. Хуллас, биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури 100 дан ортиқ. Яқинда оптик кабеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аммо бизни қийнаётган муаммо - мол алмашинуви. Давлатлар ўртасида пул тўлови мураккаб бўлган шароитда олди-сотди мол алмашинуви орқали амалга оширилади.

- Яъни бартер йўли билан демоқчисиз?

- Худди шундай. Россиянинг кўпгина корхоналарида сув остида ишлатиладиган, юқори босимдаги кучланишга бардош берадиган кабелларимизга талаб жуда катта. Шунингдек, масаланинг асосий томони бор - хом ашёни айнан Россия корхоналаридан оламиз. Бизга хом ашё етказиб бераётган заводнинг маҳсулотимизга эҳтиёжи йўқ, аммо молини сотишга зарурати бор. Нима қилиш керак. Албатта мол алмашинуви лозим.

Суҳбатимиз бўлинди. Хонага ўрта бўйли, бақувватларида қатъийлик ва самимийлик акс этган киши кириб келди.

- Танишинг, раис ўринбосари Мирсолиҳ Ҳикматуллаев шу киши бўладилар, - деб таништирди Абдурашид Ғуломович. - Иккимиз бу корхонада бир кунда ишга келдик. Синашга бўлганмиз.

Мирсолиҳ Хусунович суҳбат мавзуидан қисқача оғоҳ бўлгач, суҳбатимизга қўшилди:

- Бартер йўли билан савдо-сотиқ қилишни ҳукумат томонидан таъқиқланишининг объектив сабаблари бор. Собиқ иттифоқ даврида Узбекистон хом ашё молини одамларга арзон ишчи кучи сифатида қараларди. Кўпгина фирма ва корхоналар хом ашё эвазига тайёр маҳсулот олиб келиб, қўшимча даромад кетига тушишди. Лекин худди шу хом ашёни жойларнинг ўзида қайта ишлаб, чет эл давлатларига сотиш имконияти бор эди. Тайёр мол алмашиш эса ҳам корхонага, ҳам давлатга фойдалидир.

- Мирсолиҳ ака, корхона асосий хом ашёни четдан олади, деяпсизлар. Маҳаллий ашё топишнинг иложи йўқми?

- Маҳаллий хом ашё йўқ эмас, бор. Олмалиқ заводидан мис оламиз. Умидимиз Бухорода қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводидан. Ҳозирги кунда каучук, полиэтилен, алюминий каби ноёб хом ашёларни чет давлатлардан оламиз. Бизнинг корхонамиз учун тайёр маҳсулот эвазига хом ашё келтириш мақсадга мувофиқ. Ишлаб чиқараётган молларимизнинг қўлланиш доираси жуда кенгдир. Масалан, кабелларимиз фақат мамлакатимизда эмас, чет давлатларда ҳам бозори чаққон. Агар хом ашёни маълум давлат ички бозори нархларидан харид қилсак, тайёр маҳсулотни жаҳон биржасида сотамиз. Бу корхонамиз учун, давлатимиз учун валюта даромадлари олишнинг аниқ имкониятларидан биридир.

- Заводимизнинг самарадорлигини янада оширишимиз керак, - деди Абдурашид Ғуломович. - Бунинг учун барча шарт-шароит бор. Ўз тажриба - синов, лойиҳалаш бўлимларимиз, зарур асбоб-ускуналари билан жиҳозланган цехларимиз бор. Ички ва ташқи бозорни тўлароқ ўрганишимиз керак.

- Бу соҳада маълум ишлар қилинаяпти, - деб қўшимча қилди Мирсолиҳ Хусунович.- Талаб ва эҳтиёжларни ўрганиб резина ва пластмассадан сантехника қисмлари, автомобил кабиналари учун оёқ ости тўшамалари, аккумуляторнинг остки қопламаси... Хуллас, халқ истеъмоли молларини кўпроқ чиқаришимиз керак. Келажакда бир неча ҳудудларда ўзимизнинг фирма магазинимиз бўлади. Бу магазинлар орқали молларимизга бўлган эҳтиёжларни бевосита харидорлар билан юзма-юз бўлган ҳолда қондирамиз.

Корхонанинг бўлим ва цехларини айланиб асбоб-ускуналар, қарийб йигирма беш-ўттиз йилдан бери меҳнат қилаётган тажрибали ишчилар ва уларнинг шароитлари билан танишдик.

Техник назорат бўлимининг бошлиғи, уттиз йилдан ортиқ шу корхонада меҳнат қилаётган Обид ака Жўраевни янги маҳсулотларни кўрикдан ўтказаётган вақтда учратдик.

- Халқимизда дарахт бир ерда қўкаради, деган нақл бор. Бутун умр шу корхонада ишладим. Корхонамиз оғир вақтларни бошидан ўтказган ҳолдаги ҳам бўлди. Лекин биз кексалар ишимизни ташлаб кетганимиз йўқ. Лекин кўпчилик ёшлар корхонани тарк этишди. Мени ташвишга солаётган нарса, эртага ўрнимизга ким келади. Халқ хўжалигимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлаётган станокларни ким бошқаради.

- Обид ака ҳақ гапни айтдилар, - дейди у билан ёнма-ён ишлаётган кекса ишчи. - Корхонамиз олдида кадрлар масаласи кўндалангг бўлиб турибди. Айни кунда жамоамиз асосини Россиянинг турдош корхоналаридан келиб меҳнат қилаётган ишчилар ташкил этади.

Ниҳоят яна жамият раисига мурожаат этамиз.

- Абдурашид Ғуломович, республикамиз раҳбарияти 2004 йилгача мамлакатимизда Европа мамлакатлари каби ягона теле, радио, компьютер коммуникация алоқасини ташкил қилишни режалаштиришган. Ҳозирда кўпгина чет эл фирмалари республикамизда бу соҳада иш олиб бормоқдалар. Корхонангизда оптик, айнан телерадио алоқа коммуникациясида бевосита ишлатиладиган кабеллар ишлаб чиқарилаётган экан. Демак, бундай кабелларни чет эллдан келтирилишига зарурат қолмас экан-да?..

- Ҳа, оптик кабелларга ўзимизда ҳам қўпни давлатларда талаб катта. Сиз айтганингиздек, коммуникация борасида ишлаётган чет эл фирмалари маҳсулотларимиз намунаси билан танишиб, юқори баҳо беришди. Ўйлайманки, маълум муддат ўтиб, республикамиз иқтисодиёти учун зарур бўлган оптик кабелларни ўзимизда мукаммал ҳолда тайёрлашга эришамиз. Ҳозирча чет эл тажрибасидан ўрганяпмиз. Яқинда Швециянинг «Ай-Ай-Би» фирмасининг вакиллари корхонамизда бўлишди. Ўзаро ҳамкорлик қилишга аҳдлашиб олдик.

Корхонада ишчиларга яратилган қулайликлар билан ҳам қизиқдик.

Корхонанинг ички ҳаёти билан танишгандан сўнг бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини англадим. Дастуримиз бўлиши шарт. Сирдарёнинг бўйидаги оромгоҳ номигагина бор. Ишчиларимизнинг амалий ҳордиқ олишлари учун у ерда катта қурилиш ишлари қилиниши лозим. Замонавий маданият масканларини ташкил этиш керак.

Ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида касаба уюшмаси раиси Маҳмуда Чуганова сўзлаб берди.

- Корхонамизда 350 дан ортиқ ишчи хизматчи меҳнат қилади, - дейди раис. Биз ишчиларнинг касб касалликлари бўйича бепул даволанишларини йўлга қўйганмиз. Шунингдек, ишчиларимиз сут ва сут маҳсулотлари билан корхона ҳисобидан таъминланади. Янги йил, Наврўз ва бошқа байрамларда кўп йиллардан бери ишлаётган ва ишлаб кетган ишчиларимизни моддий томондан рағбатлантириш одат тусига кирган. Беморларимиздан, кексаларимиздан доим хабар олиб турамиз.

Музаффар МИРРАЖАБОВ

ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА

- Ҳозирги кунда ғаллани уриб олишда меҳнаткашларимиз учун ҳамма шароитлар яратилган, - дейди Термиз тумани «Дустлик» деҳқон-фермер хўжалиги касаба уюшмаси раиси Бобомурод Саидов. - Ғаллани йиғиб олишда икки гуруҳ тузилган булиб, урим далада қизғин давом этмоқда. Маҳсулотлар Термиз шаҳридаги «Дон маҳсулоти» ҳиссадорлик жамиятига топширилянти. -

Бу йил хўжаликда 1380 гектар майдонга ғалла экилиб, 32 центнердан ҳосил олинмоқда. Режа бўйича 4300 тонна ғалла етиштирилиб, 2,500 тоннаси давлатга топширилади, қолган қисми уруглик учун хўжалик ихтиёрида қолади.

Ғаллани уриб олишда 6 та комбайн икки сменада тинимсиз ишламоқда. Ишчилар учун эрталаб қатиқ, сут берилянти. Хўжалик ҳисобидан тушки ва кечки иссиқ овқат ташкил этилган. Меҳнаткашларга тиббий хизмат кўрсатилянти. Ғаллакорларимизни вақти-вақти билан саломатликларини текшириш учун шифокорлар далаларда бўлиб турибдилар, улар дори-дармонлар билан ҳам таъминланаётир. Техника хавфсизлигига ҳам қатъий амал қилинаётир. Ёнгинга қарши барча чоралар кўрилган.

Режа уддаланган, меҳнаткашларнинг ўтган йилги иш ҳақлари ҳисобланиб, 30 фоиз натура ҳисобида дон бериш мўлжалланган. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун эса 680 минг сўм пул ажратилган. Меҳнаткашларни санаторийларда дам олишлари учун йўлланмалар берилмоқда. Жамоа бўлиб саёҳатлар уюштирилди. Хўжалик маъмурияти билан тузилган жамоа шартномаларида юқоридагиларнинг барчаси киритилган бўлиб, турли тадбирларни ҳам уюштириб турибмиз. Ғаллакорларга янада унумли шароитлар яратиб бериш учун хизмат қиламиз.

Шу кунларда хўжалик маъмурияти ҳам, касаба уюшма қўмитаси ҳам меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Зулфия КАТТАЕВА.

Ёшлар таълим олмоқда

Хитойда Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси — Гонконг оролининг ХХР тасарруфига ўтиши муносабати билан тантаналар давом этмоқда. Пекиндаги Тяньаньмень майдонида бир нечта катта телеэкранлар ўрнатилган бўлиб, улар Гонконгни Хитойга топшириш маросимини узлуксиз намойиш этиб турибдилар. ХХР раиси Пекин радиоси орқали Хитой халқи ва Гонконг аҳолисига мурожаат этиб, мазкур оролда, ваъда берилганидек, капиталистик тузум сақланиб қолажагини яна бир бор таъкидлади.

* * *

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Албаниядаги вакили Франц Враницкий ўтган якшанба куни ушбу мамлакатда бўлган сайловлардан мамнунлигини билдирди. Враницкий албанияликларнинг сайлов масканларига яқдилик билан келганликлари, ўз хоҳиш-иродаларини билдиргаликлари жуда қувонарли ҳол эканлигини таъкидлади. Шунингдек, бир қанча кузатувчилар фикрини тасдиқлаб, Франц Враницкий мазкур сайловларнинг одил ва демократик руҳда ўтганлигини қайд этди.

* * *

Россия Президентининг матбуот котиби Сергей Ястржембскийнинг баёнот беришича, Борис Ельциннинг қизи Татьяна Президентнинг маслаҳатчиси лавозимига тайинланган. Шунингдек, Россия раҳбари матбуот котибининг маълум қилишича, Борис Ельцин 7 июль — душанбадан бошлаб навбатдаги меҳнат таътилига чиқади.

* * *

Сербия Республикаси Президенти Биляна Плавшич якшанба куни Лондондан Белградга қайтаётганида Югослав полицияси томонидан бир неча муддат аэропортда ушлаб турилганини давлат тунтариши содир этишга уриниш деб баҳоламоқда. Бу ҳақда у радио орқали баёнот берди. Плавшич хонимнинг таъкидлашича, бу ҳодиса унинг республика ички ишлар вазири Драган Кнежич ишдан четлаштириш ҳақида буйруқ берганидан сўнг содир бўлган. Шунинг учун ҳам собиқ Президент Радован Караджич тарафдорлари бўлган ички ишлар вазирлиги раҳбарлари янги Президентни қўрқитиб қўйишни хоҳлаганлар.

* * *

Шимолий Корея раҳбарияти Корея ярим ороли минтақасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга қаратилган турт томонлама музокараларни ўтказишга розилик билдирди. Бу ҳақда икки ойлик танаффуздан сўнг Нью-Йорк шаҳрида қайта бошланган Шимолий ҳамда Жанубий Корея давлатлари, АҚШ ва Хитой ўртасидаги консультатив учрашувда маълум қилинди. Томонларнинг келишувига кўра, Кореяда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилган музокаралар мазкур ҳужжат ва бутун ер шарида ҳурматга сазовор бўлган Женева конвенциясининг ҳаракатини давом эттириш ва ривожлантириш ҳақидаги ҳужжат асосида олиб борилиши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши Анголада тинчликпарвар кучлар фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Эндиликда, БМТ қарори билан бу мамлакатда кузатувчилар гуруҳи фаолият кўрсатади. Анголада тинчликни сақлаш мақсадида ушлаб турилган турт минг кишилик қўшин бу ердан босқичма-босқич олиб чиқиб кетилади. Бу кучлар Замбиянинг Лусака шаҳрида 1994 йили имзоланган Анголада тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги шартномани ҳаётга татбиқ этишда ангол ҳукуматига катта ёрдам кўрсатди.

* * *

Россиянинг Приморье минтақасидаги атом музёрар кемаларини таъмирлаш заводи ишчилари Транссибирь темир йўл тармоғини тўхтатиб қўйдилар. Ишчилар ҳукумат томонидан ўзларига бир неча ойдан бери маош берилмаётгани туфайли норозилик билдириб, темир йўл тармоғига тўпланиб, рельсларга ётиб олдилар. Шундай қилиб, турт юздан ортиқ ишчи Владивостокни ва бутун Приморьени Москва ҳамда бошқа минтақалар билан боғлаб турувчи ягона темир йўл тармоғини ишдан чиқардилар.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

"ИШОНЧ" МАҚОЛАЛАРИ ИЗИДАН

ТОВОН ПУЛЛАРИ ТЎЛИҚ ТЎЛАНДИ

Газетанинг шу йил 13 февраль сонидаги «Оналар олдида бурчлимиз» сарлавҳали мақола юзасидан Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Н.Очилов бизга қуйидагича жавоб хати йўллаган:

«Ишонч» газетасида эълон қилинган мазкур мақолада ўртага қўйилган муаммолар тегишли идоралар томонидан тўғри ҳал этилди.

Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш бошқармасида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмган икки кишининг оиларига товон пуллари тўлиқ тўланди. Бу оиларга доимий моддий ёрдам кўрсатиб турилиб чора-тадбирлари белгиланди».

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

Ўзбекистондаги барқарорлик ва осойишталикнинг муҳим омилидир

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўзига хос йўлдан бориб, ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бераётганлиги юртимиздаги барқарорлик ва осойишталикнинг асосий омили бўлиб келмоқда. Бизда энг аввало ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтириш, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларини эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатиш ва аҳоли барча қатламларининг янги турмуш шароитларига мослашишини осонлаштириш йўлида борилди. Аслини олганда, Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсатнинг бозор муносабатларига ўтаётган бошқа давлатлар сиёсатидан энг муҳим афзалликлардан бири ҳам шунда эди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизда ҳақиқий иқтисодий вазиятни, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятан янги тизими яратилди. Бу нималарда ўз ифодасини топди? Энг аввало, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ногиронлар, пенсионерлар ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Мактаблардаги бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшга етмаган гўдаклар учун, шунингдек, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёллар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабаларни имтиёзли овқатлантириш каби ижтимоий имтиёзлар ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб турилди. Коммунал хизматлар, электр энергияси, шаҳар транспортидан фойдаланишдаги имтиёзлар ҳам аҳолининг баъзи қатламлари учун амал қилиб турди. Умуман, бозор муносабатларига ўтишнинг илк давриданоқ бизда олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратилди.

Гап ижтимоий ҳимоя тизимининг устиворлиги ҳақида борар экан, шу ўринда юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Бозор муносабатларига ўтиш кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодиётни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўлидир. Демократик жамият қурмоқчи эканмиз, энг аввало ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз лозим" дея таъкидлаган фикрни келтириш жоиздир.

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир.

("Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли китобдан).

Дарҳақиқат, Ўзбекистон бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий адолат томойилларига изчил амал қилишни аввал бошданоқ ислоҳотлар бош йўналиши қилиб белгилади. Барча ислоҳотлар инсон учун — бу чуқур маъноли сўзлар бугунги кунда давлатимизнинг асосий шиорига айланди. Ижтимоий масалаларга эътибор, айниқса, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, талаба ёшлар сингари ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли табақалари Ўзбекистон ҳукуматининг доимий назоратидан ўрин олди. Ҳозирги кунда уларга етарли даражада моддий ва маънавий ёрдам берилмоқда.

Буни янада яққолроқ тасаввур этиш учун қуйидаги рақамларни келтиришни маъқул топдик: Бугунга келиб аниқ — ҳисоб китобларга кўра республикамизда 2 миллион 526 минг 950 нафар киши пенсия ва нафақалар билан таъминланган. Уларга ҳар ойда тўланадиган маблағ 3,5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, давлатимиз кекса авлод вакиллари ҳақида сезиларли даражада ғамхўрлик кўрсатмоқда. Айтиш мумкинки, бу соҳада мамлакатимизда бошқа бирон бир давлатникига ўхшамаган ўз ижтимоий ҳимоя тизимимиз, ўз қонунларимиз юзага келди.

Дарвоқе, мустақилликка эришганимизнинг илк йилларидаёқ фуқаролар ижтимоий ҳимоясига оид қатор қонун ва фармонлар, тегишли қарорлар қабул қилинди. Масалан, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида" ги (1991 йил 18 ноябрь) Қонуни давлатимизнинг бу борадаги изчил сиёсатини белгилаб берди: яъни, Қонун ногиронларга Ўзбекистонда тўлақонли турмуш тарзини олиб бориш учун бошқа фуқаролар қатори тенг ҳуқуқ ва эркинликларни, жамият ҳаётида фаол қатнашиш, фуқаролик вазифаларини бажаришга тўлиқ имконият яратилишини кафолатлайди, уларга уй-жой олиш, ишга жойлашиш ва бошқа турли соҳаларда имтиёзлар беради.

Шу ўринда яна бир муҳим Қонунни алоҳида тилга олиб ўтишни истардик. Бу 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий Қонунидир. Ушбу Қонунга асосан пенсиялар миқдори фуқаролар меҳнат фаолиятининг давомийлигига ва тўланган бадалларига боғлиқ ҳолда кучайтирилди. Бу билан пенсия қонунчилиги дунёдаги ривожланган мамлакатлар андозаларига ҳамоҳанг ҳолга келтирилди.

Ҳозирга келиб аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ягона молиявий тизимини яратиш мақсадида ташкил этилган пенсия жамғармаси пенсиялар, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шунингдек, ижтимоий нафақаларни тўлаш бўйича сарфланадиган барча харажатларни молиялаштиришни амалга оширмоқда. Дарвоқе, кейинги пайтда фуқаролларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг марказлашган усулидан воз кечилгани айни муддао бўлди. Натижада қуйи тизимларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, масъулияти илгаригига нисбатан кўп даражада оширилди. Энг муҳими, сансоларликка барҳам берилди. Бугунга келиб пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш ишлари билан аввалгидек вилоят марказлари эмас, балки бевосита туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари шуғулланмоқда.

Эсингизда бўлса, 1994 йилдан бошлаб республикамизда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бунда, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронлар, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»(1994 йил 24 июнь) ҳамда «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги (1994 йил 20 июнь) қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша йили 1 октябрдан эътиборан кам таъминланган оилаларга нафақа тўлашнинг ягона тизими жорий этилди. Ўзбекистон Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Фармонига кўра, нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ишлари тўғридан-тўғри жойлардаги маҳалла қўмиталари ихтиёрига берилди. Бундай нафақалар ҳозир бюджет маблағлари ҳисобидан тайинланиб ва тўланиб келинмоқда. Юртбошимизнинг ушбу Фармони нафақаларнинг аниқ манзилли бўлишини таъминлабгина қолмасдан, айни вақтда оила маъмурчилигини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни чоғда ислоҳотларнинг бошланғич босқичида қўлланилган ижтимоий ҳимоя чораларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу соҳада ҳам бир хиллиликдан қочиб, чуқур ўзгаришларни амалга ошириш зарур экан. Гап бу ерда дотация ва муҳтожлик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда барча аҳолига баравар тааллуқли қилиб қўйилиши кўпинча ўзига тўқ оилалар ҳам дотация ва имтиёзлардан фойдаланишига олиб келгани ҳақида бормоқда. Бу ҳол одамларда исрофгарчилик ва боқимандалик кайфиятини вужудга келтириши мумкин эди. Шу сабабли бозор муносабатлари ривожланган ва аҳоли бир қатор табақалари турмуш шароити яхшиланган сари амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларига тузатишлар киритилди. Яъни энг катта эътибор ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга ёрдам беришга, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бутун тизими тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратилди. Барча нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали кўрсатиладиган бўлди. Уларни асосан кам таъминланган оилалар, кексалар ва болалар ола бошладилар.

Шу ўринда яна бир муҳим Фармонни эслаш ўринлидир. «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» (1996 йил 10 декабрь) деб номланган мазкур Фармонни оилани ижтимоий томондан муҳофаза этиш ва келажагимиз бўлган фарзандларимизга ғамхўрликнинг юксак намунаси деб айтсак муболаға бўлмайди.

Фармоннинг моҳияти шундан иборатки, биринчидан болали оилаларга берилаётган ижтимоий ёрдамни янада аниқлаштиради. Иккинчидан, бундан кейин шу билан боғлиқ бўлган барча ишлар яна ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилади. Бу маҳалла қўмиталарининг масъулиятини ошириш билан бирга уларга бўлган ишончни тағин ҳам мустаҳкамлайди, деган сўздир. Эндиликда 1997 йил 1 январдан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар маҳалла қўмиталари орқали тайинланиб ва тўланиб келинмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида юртбошимизнинг пенсия ва нафақалар мақдорини оширишга, демакки, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга доир 23 та ҳамда пенсияларга товон (компенсация) тўловларини ҳисоблаб қўшишга оид 3 та Фармон эълон қилинди. Мамлакатимиз Президентининг энг сўнгги Фармонига асосан, шу йил 1 июлдан бошлаб пенсиялар ва иш ҳақлари миқдорлари яна оширилди. Ушбу Фармоннинг меҳнаткашлар, жумладан барча тоифадаги пенсионерларнинг моддий манфаатдорлигини бозор шароитларига мослаб анна юқори поғонага кўтаришдаги аҳамияти тўғрисида гап борганда, уни аввалги йиллардаги аҳволга қиёслаб кўриш ўринлидир. Агар 1996 йил 1 сентябрдан пенсияларнинг энг кам миқдори 1125, ўртача миқдори 1470 сўмни, энг юқори миқдори 3150 сўмни ташкил этган бўлса, 1997 йил 1 июлдан бошлаб энг кам пенсия миқдори 1400 сўмни, ўртача миқдори 2013 сўм 90 тийин ва пенсиянинг энг юқори миқдори 3937 сўм 50 тийиндан иборат қилиб белгиланди. Пенсионерлар учун эътиборга молик яна бир қулайлик шундаки, пенсия жамғармаси органлари маблағларни ижтимоий таъминот идоралари орқали эмас, балки бевосита алоқа бўлимларига ўтказмоқда. Пенсияларни тўлаш ва ўз эгаларига етказишнинг бундай усули маблағларнинг ҳаракат муддатини қисқартириб, ўзини тўла оқламоқда. Бундан ташқари, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тадбирларига ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Ушбу тадбирларга ижтимоий таъминот вазирлиги (вазир Б. УМУРЗОҚОВ)нинг 3 мингдан зиёд ходими жалб этилган. Бугунга келиб 17 мингга яқин ёлғиз қариялар ҳукуматимиз белгилаб берган имтиёзлардан фойдаланишмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ижтимоий таъминот идоралари ва жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг саъй-ҳаракатлари билан юздан ортиқ ногиронлар оилалари уй-жой билан таъминланди, қарийб 300 нафар кишининг уйлари бепул таъмирлаб берилди. 500 та хонадонга эса телефон, газ ва водопровод тармоқлари ўтказилди. Лўнда қилиб айтсак, ҳозирги вақтда мустақил давлатимизда юздан ортиқ имтиёзлар тури мавжуд бўлиб, улардан 1 миллион 138 минг фуқаро фойдаланиб келмоқда. Бу жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида тенги йўқ тадбирлар бўлиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳага, хусусан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига давлат миқёсида изчил ва мунтазам эътибор бериб келинаётганидан далолатдир.

Маълумки, ўтган давр кўп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига ўтиш силлиқ ижтимоий қийинчиликларсиз, осон кечмаслигини кўрсатди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида истеъмол нархлари ва тарифларининг «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юборилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, пул муомаласининг бузилиши кўпчилик янги мустақил давлатларда истеъмол нархларининг кескин ўсишига, жамғармаларнинг қадрсизланишига, аҳолининг анчагина қисми турмуш даражасининг пасайишига, ишсизлар сонининг ўсишига олиб келди. Бу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш чораларига эътибор бермаслик эса аҳолининг анча қисми қашшоқлашувига, охир оқибат айрим давлатларда ижтимоий беқарорликнинг вужудга келишига туртки берди. Шундай бир оғир шароитда, баъзи мустақил давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ижтимоий соҳага ўзига хос ёндошув туфайли ислоҳотлар арафасида энг бошланғич шарт-шароитларга ва маълум бир ижтимоий зиддиятларга эга бўлишига қарамасдан ижтимоий можароларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди. Чунки, биз юқорида таъкидлаган, олдиндан кўрилган ижтимоий чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш имконини берди, аҳоли ўртасида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлига ишончни янада мустаҳкамлади. Ишончимиз комилки, XXI аср бўсағасида турган Ўзбекистон бундан буён ҳам ўз янгиланиш ва тараққиёт йўналишига асос қилиб олган етакчи тамойиллардан бири — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўлидан дадил бораверади.

Аслиддин БОЛИЕВ,
Зариф МИРЗАҚУЛОВ.

Касаба уюшмаларида

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ ЯКУНЛАНДИ

Мана, бир ойдирки Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ўқув марказида шаҳар ва туман мувофиқлаштирувчи кенгашлари раисларининг ўқуви ўтказиб келинди. 4 гуруҳга бўлинган тингловчилар навбатма-навбат 6 кундан ўз малакаларини оширдилар.

Улар мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддати, бозор иқтисодига ўтиш даврида Ўзбекистонда ички ва ташқи сиёсатнинг долзарб муаммолари, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни ҳаётга тадбиқ этиш, жаҳон иқтисодиётида ижтимоий сиёсат, иш ҳақини белгилаш ва ҳақ тўлаш каби касаба уюшмаларининг долзарб муаммолари ҳақидаги маърузаларни тингладилар.

Шунингдек, уларга ижтимоий суғурталаш, демократик жамиятни қуриш ва аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда касаба уюшмаларининг роли, касаба уюшма бюджетини режалаштириш ва ундан фойдаланиш, касаба уюшмаларининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси каби мавзуларда машғулотлар ўтилди.

Тингловчиларда К.Шоюсупова, Р.Андронова, В.Қорабоев, Г.Ғаффоров, Р.Файзиевларнинг маъруза ва амалий машғулотлари яхши таассурот қолдирди.

Умуман олганда, мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг раислари ўқиш давомида узларининг малакаларини оширишга ва узларининг саволларига жавоб олишга муваффақ бўлдилар.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон КУФК ташкилий ишлар бўлимининг маслаҳатчиси

Хорижий тадбиркорлар тажрибасидан

БУЮК БРИТАНИЯ ТААССУРОТЛАРИ

Азиз муштарий! Эсингизда бўлса газетамизнинг ўтган сонларидан бирида ушбу ном билан берилган мақолада муаллифимиз Буюк Британияда тадбиркорлик, уни шакллантириш, улар учун яратилган имкониятлар ҳақида ҳикоя қилган эди. Бугун эса сизнинг эътиборингизга ана шу мақолани мазмуний давоми бўлган навбатдаги иккинчи ҳикоямизни ҳавола этамиз. Бунда тадбиркорлик мактаби ҳақида сўз боради.

2. ТЭК: ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЯНА БИР МАКТАБИ

Шимолий Ноттингэмшир ТЭК (Трэйнинг энд энтерпрайз каунсил) ёки «Машқ қилдириш ва тадбиркорлик кенгаши» ходимлар малакасини ошириш, ҳамкорликни авж олдириш ва хорижга экспорт қилдирувчиларни қўлайтирувчи бир мактабдир.

Авваломбор, мени бу ташкилот нима ҳисобига тириклик қилади, деган савол қизиқтирди. Марказнинг 1995-96 йиллардаги кирими 20,4 миллион фунт бўлиб, ундан 14,9 миллиони Меҳнат ва бандлик ҳамда халқ таълими давлат идоралари, 2,6 миллиони кўмир ишлаб чиқарувчилар жамғармаси, бир миллиони савдо ва саноат бошқармасидан ўзаро шартномалар асосида тушган маблағлардан иборат эди. Шундан 7,1 миллиони тадбиркорлик ва касбга ўқитиш, 3,6 миллиони кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга сарф қилинган.

ТЭК маркази 1991 йилда ҳукумат муассаси сифатида ташкил топган. Ҳозир эса тўла хусусийлаштирилиб, ҳукумат билан шартнома асосида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказда таҳсил олувчилар бепул ўқитилади. Улар учун турли китобчалар, услубий қўлланмалар нашр этилади. Ишсизлар учун махсус курслар мавжуд. ТЭК ҳар йили маҳаллий ҳокимият маъмуриятига ўз бизнес режасини тақдим этади. Музокаралар олиб борилиб, унга маблағ ажратилади.

ТЭК ўқув дастурлари билан танишиб чиқилганда улар орасида гуманитар фанлар умуман йўқлиги маълум бўлди. Муайян касблар, ҳаттоки болага қараш курсигача бор. Ўқиш машғулотлари ишдан ажралмаган ҳолда давом этади. Жамоа шаклида эса айрим маъруза, семинарлар бор, холос. Қолгани тингловчига тақдим қилинган махсус дастур асосида ўзлаштирилади. Ўқиш жараёни 2-3 йилгача давом этиши мумкин. Битирувчининг баҳоси икки киши томонидан, биринчиси битирувчи ишлаётган корхона бошлиғи — иш берувчи, иккинчиси эса марказ тайинлаган мустақил имтиҳон олувчи томонидан қўйилади. Ўқитиш учун кетган харажатларнинг ярми иш берувчи ҳисобидан қопланади. Биз ташриф буюрган ТЭК марказидан ўртача 3 минг ёш тадбиркор таҳсил олиши, ёки ўтган йилнинг ўзида 216 ташкилотдан ходимлар малака оширгани бизни ҳайратга солди.

Ёки яна бир нарса эътиборимни ўзига тортди. Икки юз ўттиз бизнес корхоналарининг 750 ходими мамлакатда мутахассислар малакалари бўйича қабул қилинган стандарт меъёрларга мос келиши учун тегишли шаклда ўқитилиб, имтиҳонлардан ўтадилар. «Инвесторз ин пипл» ёки Халқни талаб даражасида касбу-коргача ўқитиш дастури ТЭК фаолиятида катта ўрин эгаллайди.

Буюк Британия жаҳон бозорида узининг рақобатдош мавқеини сақлаб қолишга доимо интилади. Шундай экан, бундай мавқе фақат юксак малакали мутахассис ишчилари бор жамият билангина сақланиб қолади. «Инвесторз ин пипл» иборасини «Инсон омили учун инвестициялар» деб таржима қилса ҳам бўлади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим-ки, Буюк Британия касаба уюшмалари ҳам мазкур ўқув жараёнларини молиявий таъминлашда фаол иштирок этмоқдалар. Бу жараёнлардан биз зиёрат қилган катта-кичик корхоналарнинг ТЭК марказлари билан ҳамкорликлари ўта жиддий эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Буларнинг барчасидан мамлакатда малака ошириш - миллий компания даражасига кўтарилганини кўриш мумкин.

Козимжон ТУРДАЛИЕВ

Ғиждувон туманидаги Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалиги аъзолари ғалла ва пахта етиштириш бўйича юқори натижаларга эришишмоқда. Бунда албатта хўжалик касаба уюшма қўмитасининг муносиб улуши бор.

Суратда: (чапдан ўнгга) хўжалик бригада бошлиғи Отақул Чўлиев, касаба уюшма қўмитаси раиси Ўрин Жўраев ва хотин-қизлар кенгаши раиси Озода Тошевалар галдаги вазифалар хусусида фикр алмашишмоқда.

Нурмамат Алмуродов олган сурат.

Касаба уюшмаларида

РАЁСАТ МАЖЛИСИ

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашининг раёсат мажлиси бўлиб ўтди. Раёсат мажлисини Кенгаш раиси Э. Ражабов бошқариб борди.

Йиғилишда «Шаҳрисабз-консерва» ҳиссадорлик жамиятида ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашнинг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Раёсат мажлисида вилоят касаба уюшмалари Кенгашига қарашли Яккабоғ тўқимачилик комбинати, Таллимаржон ГРЭСи қурилиш бошқармаси ва дирекциясида соғломлаштириш масалалари, касаба уюшма аъзолик бадали тушуми ва улардан фойдаланиш ҳамда тафтиш ва назорат ишларининг аҳволи ҳақидаги масала ҳам ўрганилди.

Раёсат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қонун ва ижро

АРИЗА, ШИКОЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Республикамизда фуқароларнинг тинч ва осойишта яшашлари қонун йўли билан ҳимояланган. Бу борада ҳуқуқ-тартибот ходимлари қатор ишларни олиб боришмоқда. Шу ўринда Китоб туманлараро прокуратураси ходимлари Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминламоқдалар. Биз ушбу Қонуннинг бажарилиши хусусида Китоб туманлараро прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Амир Янгибоев билан мулоқотда бўлдик. Қуйида ушбу мулоқот мазмуни билан танишасиз.

- Амир Янгибоевич, сиз раҳбарлик қилаётган ҳуқуқ идорасига фуқаролар ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни сўраб ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишади. Ана шу ариза ва шикоятлар борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

- Очиғини айтганда баъзи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари қонунчиликни пухта билмаётганлиги, ишчиларнинг ҳақли талабларига оғриниб жавоб беришлари фуқароларнинг ҳуқуқ идораларига мурожаат қилишига сабаб бўлаётир. Чунончи, яқинда шундай ҳолат туман ип-йигирув ҳиссадорлик жамиятида юз берди. Жамият ишчилари М.Ражабова, Ш.Ашуровалар ўз ҳамкасблари иштирокида узоқ муддатдан буён ойлик маош олишмаётганликлари юзасидан фабрика маъмуриятига огоҳлантириш хати киритганлар. Хатда агар маошлари ўз вақтида тўланмаса юқори ташкилотларга мурожаат қилишларини қайд этганлар. Уларнинг ҳақли талабини нотўғри тушунган цех бошлиғи хат эгаларни таъқиб остига олади. Ҳаттоки, маъмурият билан келишиб, уларни ишдан четлатишга уриниб кўради. Бундай ноҳақликка чидай олмаган М.Ражабова, Ш.Ашуровалар ушбу можарони адолатли ҳал қилиб беришни сўраб бизга мурожаат қилишди.

Текширувда шу нарса маълум бўлдики, фабрика маъмурияти, раҳбар ва жавобгар шахсларнинг масъулиятсизлиги туфайли қонуний ҳуқуқларини талаб қилган ишчилар асоссиз равишда таъқибга олинганлиги аниқланди. Цех бошлиғи А.Мирзаев томонидан М.Ражабова ва Ш.Ашуровалар маъмуриятнинг қарори бўлмасдан ишдан четлаштирилганлиги маълум бўлди. Цех бошлиғига нисбатан интизомий чора кўрдик. Ишчилар М.Ражабова ва Ш.Ашуровалар ишга қайта тикланиб, бекор юрган вақтлари учун иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди.

Туман марказий шифохонаси маъмурияти томонидан қонунда кўрсатилмаган жазо қўллангани учун биринчи тўғруқ бўлими бошлиғи З.Усмонова ўз вазифасига қайта тикланди.

- Юқоридаги, яъни «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида аризаларни ҳар томонлама кўришлик, қонунга асосланган қарорлар қабул қилиш, текшириш натижалари билан аризачиларни таништириш, агар ариза рад этилган бўлса сабабларини кўрсатиш алоҳида қайд этиб ўтилган. Айтинг-чи, бу қонун талаблари фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталарида қандай бажарилмоқда?

- Биз яқинда айнан шу масалада тумандаги «Қаторбоғ», «Қайнарбулоқ», «Боғбон», «Бештерак», «Қуйиоқбой» фуқаролар йиғинлари ва «Хиромий», «Гулистон» маҳалла қўмиталарида текшириш утказдик. Текширишда юқорида номлари қайд этилган фуқаролар йиғинларида ва маҳалла қўмиталарида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда жиддий камчилик ҳамда қонун бузилиши ҳолларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, «Қаторбоғ» фуқаролар йиғини раиси Ш.Раҳмонов ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, фуқаро Ш.Ражабова томонидан берилган аризани ўз вақтида кўриб чиқмаган ва натижасини ёзма равишда аризачига маълум қилмаган. Фуқаролар А.Саидов, Ш.Зариповларнинг аризаларини ҳам эътиборсиз қолдирган.

«Қайнарбулоқ» фуқаролар йиғинига 1996 йилда фуқаролардан 83 та ариза тушган. Бироқ мазкур аризаларнинг асосий қисми ҳолисона, ўз вақтида ҳал этилмаган. Текширув натижалари аризачиларга ёзма равишда билдирилмаган.

Бундан ташқари «Гулистон» фуқаролар йиғини раиси Ш.Эргашев фуқаролардан тушган аризаларни текширишда қонун талабларини қўпол равишда бузган. Хўш, бундай бепарволик нимага олиб келади? Албатта, фуқаролар ўзлари ёзган ариза ва шикоят натижалари билан қониқмаганидан сўнг юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади-да.

Хуллас, ҳуқуқ идоралари ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, масъулиятсизлик ва ҳамкасблик ҳиссини ишга солмаса, ишчилар ва аҳоли ўртасида ислоҳотлар моҳиятини тушунтирмаса, ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олиши

Одамийлик сабоқлари

КАМТАРЛИК ВА МАНМАНЛИК

Камтарлик инсонни улуғлик шоҳсупасига кўтарадиган энг муҳим омиллардан биридир. Оддийлик ва камтарлик одамийлигининг энг асл фазилатларидан ҳисобланиб, шарқона тарбияда унга жуда катта эътибор берилган. Кибрлик киши ўз айби, нуқсонларидан кўз юмади, ўзига ортиқча баҳо бериб манмансирайди. Манман кишига ўзгалар насиҳати ҳам ҳаёт тажрибаси ҳам ёқмайди. Қарабсизки, у киши на олимлар илмидан, на фозиллар фазилатларидан ўзига фойда олади ва охир-оқибатда жаҳолату залолат ботқоғига ботиб кетади. Қуръони каримда Аллоҳ ана шундай кибру ҳаволик кишиларни тўғри йўлга бошламаслигини ва юрган залолатларида янада адаштириб юборишини айтади: «Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, тўғри -ҳақ йўлни кўрсалар уни ўзлари учун йўл қилиб олмайдиган, агар залолат-нотўғри йўлни кўрсалар йўл қилиб оладиган кимсаларни ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман». (Аъроф сураси, 146-оят).

Азизлар, биз бу оятни тасодифий келтирмадик, чунки Аллоҳ Таоло инсонни барча маҳлуқотлардан устун, яъни ақлли қилиб яратган экан, унга ўз йўлини танлаш имконини берган. Кўриш, ибрат олиш, тафаккур ва тасаввур қилиш ҳиссини инсонга насиб этиб, савоб ва гуноҳни ҳам ўзига ҳавола этгандир. Бас шундай экан, ҳар кимса ўз хулқ-атвори, муомила-муносабати билан икки дунёсини обод қилиш имконига эга эканлигига таяниб, Аллоҳнинг бу неъматига шукрона келтириб ҳаракат қилмоғи фарздир.Камтарлик-билимдонлик улчови, ақллилик мезони, одамийлик рамзидир. Камтарлик - шоншуҳратга йўлланма, иззату обрўга замин, мақтанчоқлик ва димоғдорликка хотима бергувчидир.

Камтарлик фазилатига эга бўлган инсон хушомадгўйлик, шуҳратпарастлик ва ортиқча ғурурдан холи бўлмоғи лозим. Ўз лаёқати, имконига ортиқча баҳо бермаслиги, ўз-ўзига димоғдорлик билан маҳлиё бўлмаслиги даркор. Аҳлоқ одобига кўра, одамлар билан доимий самимий муносабат ва муомалада бўлиш, ўзгалар маслаҳати ва пандига қулоқ солиш -камтарликдир. Кишида аҳлоқий баркамоллик ёшликдан бошланар экан, болаларни ёшлигидан бошлаб мақтанчоқлик, ёлғончилик, шуҳратпарастлик ва мунофиқлик, хушомадгўйлик, иккиюзламачилик каби салбий иллатлардан хабардор қилиб бориш лозим. Биз юқорида келтирган инсон табиатида учрайдиган бу салбий хусусиятлар тўғри бўлмасдан, балки одамни ураб турадиган муҳит, шарт-шароит ва бошқа сабаблар маҳсулидир. Ушбу салбий хусусиятлар таъсирига тушиб қоладиган одам аста-секинлик билан мағрурлана боради ва кишиларни ўзига тенг кўрмайдиган манман-кибру ҳаволи кимсага айланиб қолади.

Инглиз шоири ва драматурги Вильям Шекспир такаббурликни

Такаббурлик — жонсиз бир мато:

Ювса калта, қилмагин хато, деб баҳоласа, унинг ватандоши шоир Александр Поп - «Кишига ақл қанча етишмаса, унда шунча такаббурлик бор», деб билади. Қуйида «Мусулмоннома» деб номланган рисоладан бир парча келтириб кибру ҳавони нақадар инсон аҳлоқига ёт эканлигини биллдирмоқчимиз:

« Келинг ўзимизга бир савол берайлик: мутакаббир одам нимаси билан фахрланади? Чиройли эканлиги биланми, ёки куч-қуввати биланми? Ҳусну жамол уткинчи нарса, энг кичкина касал эса уни заифлаштиради, замон ўз ишини қилиб, кунлар ўтиши билан қарабсизки, қирчиллама йигитлик ўрнига хасталик-қаролик келади. Агарда молу дунёси билан мақтанаётган бўлса, билиб қўйсинки, улим бой ва фақир ўртасидаги фарқ билан ҳисоблашиб ўтирмайди ва ҳамма бойлик барибир бошқалар қўлига ўтиб қолади. Шунинг учун Қуръон ўзини катта тутишни манъ қилади: «Ер юзида кибру ҳаво билан юрмагин. Чунки сен (оёқларинг билан) ҳаргиз ерни тешиб кетолмайсан ва буйи-бастда тоғларга етолмайсан. (Бас, бу қадар ожиз экансан, нечук кибру ҳаво қилурсан)». (Исро сураси, 37-оят). Яна бошқа оятда Аллоҳ шундай марҳамат қилади: «Инсонларга юзингни бужмайтирмагин ва ер юзида кибру ҳаво билан юрмагин. Албатта, Аллоҳ кеккайган мақтанчоқларни яхши кўрмайди». (Луқмон сураси, 18-оят).

Бир ривоят эшитган эдик: «Икки дўст узоқ юртларда мусофирликда кўп йиллар биргаликда илм олади, қийналади ва бири иккинчисига ёрдам беради. Уз юртларига қайтиб келгач, ҳеч қачон бир-бирини унутмасликка аҳд-вафо қилиб ажралишади. Орадан анча муддат ўтиб, биринчи дўст ўртароқ бир ишга жойлашиб ишлай бошлайди, иккинчиси эса катта бир идорани бошлиғи бўлади. Бундан хабардор бўлган дўсти ўзида йўқ хурсанд бўлиб, тез орада уни табриклашни режалаштиради. Охир бир куни ўз ишхонасидан жавоб олиб катта бир қувонч билан дўсти ишлаётган идорага келади ва минг бир азоб билан унинг қабулига рухсат олиб киради. Катта хонанинг остонасидан салом бериб кирган меҳмон, дўстини хона ўтидаги юмшоқ ўриндиққа ўтириб олиб бамайлихотир икки суҳбатдоши билан гаплашаётганини кўргач, тўхтаб қолади. Ўртада ноқулай вазият юз беради, кирган киши қайтиб чиқишни ҳам олдинга юришни ҳам билмайди, бошлиқ эса ҳатто саломга ҳам алик олмай бир қараб қўйиб, ўтирганлар билан суҳбатини давом эттиради. Ҳайронлик пушаймонликка айланди ва кирган одам саросималик аҳволида «Кечирасиз» деб мурожаат қилмоқчи эди, бошлиқ «Бирор гапингиз бўлса секретарга тайинлаб қўйинг, ўзингиз бирор ҳафтадан кейин хабар олинг», деб ижирғаниб гапирди. Дўстининг бундай беписандлик билан қилган муомаласидан ер бўлиб чиққан меҳмон, қўйидагича хат ёзиб қолдирди: «Ҳурматли дўстим, юқори мансаб ва вазифанг билан қутлайман. Кечроқ табриклашга келганим учун узр. Кеч хабар топдим, шу сабабли жанозангга эртароқ хабар берасан деган умиддаман. Кўр бўлиб қолганингга ачинаман, лекин на чора, худо инсоф ва тоқат берсин».Гарчи манман бошлиқнинг вазифаси узоқ давом этмаган бўлса-да, икки дўст бир умр юз кўрмас бўлиб кетибдилар.

Такаббурлик, мағрурлик ва манманлик бир-бирини тўлдиради. Манманлик - шуҳратпарастликка, мақтанчоқликка талаб, талтайиш ва ўзгаларни паст кўришга дастур, бошига тушадиган оғир кулфатларга манбадир.

Француз ёзувчиси, моралист ҳажвчиси Жан Лабрюйер: - »Мансабсиз одам олдида осмондан келиб, мансабдорлар олдида шармандаларча ерга эгилишимизнинг бирдан-бир сабаби такаббурлигимиздир»,- деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, инсон аҳлоқидаги фазилатлар қанча кўп, серқирра ва кенг тармоқли бўлса, ундаги салбий хусусиятлар ҳам талайгина. Шу жумладан, такаббурлик ҳам кишиларда турли ҳаракат ва қиринишларда намоён бўлади. Айрим кишилар вазифаю унвонига қараб димоғдорлик қиладилар, мол-дунёсига ишониб, ўзини бошқалардан баланд қўяди, мансабдор қариндоши ёки ота-онасига таяниб бошқаларни менсимайдилар.

Баркамол инсон бўлишдек эзгу ниятни қалбига жо қилган киши ўзини доимо хокисор тутади, манманлик жиловини қўлига асло тутмайди. Тавозеъ, такаллуф инсоннинг ғузал фазилатларидан бири ҳисобланади. Зеро, олтинни балчиққа ташласанг ҳам у олтинлигича қолаверади. Шоир Камолиддин Биноий айтганидек:

Доимо кибрдан хазар қил,
Тавозе бирла ўзни ғузал қил.

Гулмурод НИЁЗОВ,
Қўлдош АҲМЕДОВ,
педагогика фанлари номзодлари

Фақатгина рўзғор ташвиши билан яшашга ҳаққимиз йўқ. Ахир осмоннинг мусаффолиги, сувнинг покизалиги, инсон тақдири деган ташвишлар ҳам бисёр.

* Унга таъриф бериш қийин, дўстми-душманми. Баъзида Сизга душманлик нишини отиб қўйиб, вақтида олиб қўйишга ҳам қурби етади. Бундайлардан ўзинг асра илойим.

ҚАТРАЛАР

* Орзуларимни, севинчларимни Сизга доимо айтиб юраман. Ғам-андухларимни эса айтишда Сизни тополмай қоламан. Балки эшитишни хохламаганингиз учун ҳам тополмасдирман.

* Умрим қанча билмайман, аммо яшашни ҳам билолмаганим мени кўп қийнайди.

* Кичик бир ваъдани ўрнига қўйиб бажаришлик улуғ бир мукофотга тенглигини билаоламизми?

* Болаликдаги соддалик, беғуборлик сени соғинаман, сенга сиғинаман. Кошкийди, бу фазилат одамда бир умр сақланиб қолса эди. У холда сохталик, ёлғончилик тугилмаган бўлар эдими?

Ҳанифа РЎЗИМАТОВА.

ФАҚАТ ҚИЗЛАР ЎҚИСИН

БАХТГА ЭНГ ЯҚИН ЙЎЛ

...Тез-тез кўзгуга қараяпсиз. Жуда-жуда чиройли бўлгингиз келаяпти. Бир кунда бир неча бор ечиниб-кийинасиз. Ҳамма Сизга ҳавасланиб қарашини орзу қиласиз. Ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди, лабингизни буриб, уксиниб қўясиз... «Юзимда сепкилим бўлмаганда-ку» рангим сал оқроқ бўлса-ю» ё лабим озроқ юпқа яралганда эди... деган истакларингиз хаёлингиздан кечаверади.

Шошилманг... гап фақат суратда эмас, суратга сийрат нур бахш этувчидир.

Бир ривоятни эшитинг-а, унча узоқ бўлмаган замонларда бир довруғли малика яккаёлгиз, ғоят кўнгли нозик ўглига келин ахтара бошлабди. Маликага келин бўлишни орзулаган қизлар, оилалар бисёр экан. Уларни кузатиб маликанинг ҳеч кўнгли тўлмабди. Охири узини оддий аёл қиёфасига солиб, бир-икки яқинлари билан пойтахтдан узоқроқ ўлкаларни айлана бошлабди. Бири-биридан сулув қизларга ҳам маликанинг кўнгли мойил бўлавермабди. Охири бир шовуллаган терак соясида ўтиришиб, уй эгасидан бир пиёла сув сурашибди. Сувни уйнинг қизи олиб чиқибди. Аммо у негадир тўша- тўғри келавермай, теракнинг соясини айланиб ўтиб келиб, сувни Маликага узатибди. Малика сабабини сўраса, қиз узр айтиб:

.- Бу дарахтни бобом эккан эканлар. Соясини боссам ҳам уларга беҳурматлик қилаётгандек, нохуш ҳолатга тушаман. Худди мана шу қушиқчи барглар, шохлардаги қушларнинг сояларида ҳам жон бордек...- дебди.

Малика келинликка қорачадан келган, истараси иссиққиҳовлиси бир умр фариштасиз бўлади,»-дердилар опам раҳматли.

«Сочни дуч келган жойда тарама, махсус оқ дуррача ёзиб, тара, тўкилган сочларни териб ол, тароқда ҳам соч қолдирма»,- дея ўгит айтардилар яна.

Овқатдан сунг идиш-товоқларни ювганда, баъзилар ичларини тозалашади-ю, тарелка, лаган, қозонларнинг таги шундайлигича қолади. Бундай идишларни ушласангиз, қулингизга ёғ «чиппа» ёпишади. Ёки идиш-товоқ тахлашганда кичик ҳажмдагисини остига, каттароқ, оғиррогини устига қўядилар. Булар бир қарашда жуда оддий нуқсонлардай туюлса-да, кўрган кўзга хунук босилади. «Худо фаросатдан қисган экан», деган ҳақли таънага сабаб бўлади.

Гоҳ дастурхонларда жумрагининг ичи қорайган чойнаклар қўйилади. Мабодо ошингиз тушиб, кирхонаси, ювиниш хонасига кирсангиз узунқисқа, пала-партиш осилган кирларга назарингиз тушади. Совун идишларида сув йиғилиб, ивиб турган совунларни кўрасиз. Бу нохуш кўринишларнинг бари қиз болдаги фаросатнинг нуқсонли эканлигини далиллайди.

...Ана шундай нуқсонлардан ҳоли бўлсангиз. Сизни ғузал қиз, дейдилар. Уйингиз шифтларида ислар осилиб қорайиб турмаса, кийим-кечакларингиз илгичларга осилиб, саранжом-саришта турса, ошхонада ювиқсиз идишларингиз тахланиб ётмаса, хатто, остонангиздаги пойафзаллар уз жуфти билан чиройли терилиб турса, Сизнинг фаросатингиз нурларида унча-бунча жисмоний нуқсонларингиз ёришиб кетади.

...Бувим: «Дастурхондаги шеригинг сочиқ сураса ошнон устидан узатма, орқадан бер: косангда сен емайдиган нарса бўлса, чиқариб, титиб ўтирма, бутунлай емай қуя қол, таомдан бўшаган идишларни дастурхондан олиб, одамларнинг олдини очиб тур»,деган гапларни болалигимиздан кўп такрорлардилар...

...Мен Сизларга фаросатнинг айрим жиҳатлари ҳақидагина гапирдим, холос. Аммо шу айрим жиҳатларни ўзлаштирсак ҳам, ўзимиз ғузаллик тараф бир неча қадам ташлаган бўламиз.

Қ.РАҲИМБОЕВА.

ОИЛА ДАВРАСИДА

ОНА МЕҲРИ

Болалигимда дала ҳовлимиз бўлар эди. Ҳар йили айвоннинг бурчагига қалдирғоч ин қўярди. Шу ерда бола очиб, учирма қилар ва кузда болалари билан учиб кетар эди.

Қайси йили ёдимда йўқ иккинчи ёки учинчи синфда ўқир эдим. Ҳар йилги одати бўйича қалдирғоч айвонни бурчагидаги қурилган инидан учта палапон очиб чиқди.

Мен ҳовлининг ўртасида нима учундир палапонларга тикилиб олма еб ўтирар эдим. Она қалдирғоч бўлса керак болаларини турта бошлади. Бу палапонларини учирма қилиш ишораси бўлса керак. Қалдирғочнинг икки боласи, пир этиб учдида, айвон ёнидаги олма дарахти шоҳига қўнди, учинчиси нимжонроқ бўлса керак шоҳга қўнолмасдан ерга тап этиб тушди. Ҳовлида юрган қора мушук эса югуриб келиб ерда ётган қалдирғоч боласини тишлаб олганча молхонага кириб кетди.

Буни кўрган Она қалдирғоч бор кучи билан фарёд чекканича молхона атрофини чир айланар эди. Бир вақт қора мушук мўйловини ялаб молхонадан чиқиб келди. Она қалдирғоч эса дарахт шоҳига қўнди-да жим бўлди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас у ўзини тап этиб ерга ташлади. Югуриб бориб қўлимга олсам оғзидан қон оқиб келарди.

Бу воқеа эслар эканман, онгсиз мавжудотдаги оналарни фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати шу қадар кучли экан, онгли мавжудот, инсонлардаги оналарни фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатини бирор нарсага таққослаш ёки бирор нарса билан улчаш мумкин бўлармикан, деган фикр ҳаёлимдан ўтарди.

Дарҳақиқат, ҳаётдаги ҳамма нарса бора-бора эскиради. Муҳаббат ҳам аввалги куч-қудратини йўқотади. Ҳаёт қонуни асосида яшаб боради. Лекин биргина онани фарзандига бўлган муҳаббати, фарзанд улгайган сари у ҳам она қалбида кучайиб бораверади. Охирида она ўзи билан бирга уни олиб кетади.

Келинг, мана шундай улуг муҳаббат соҳиби, дунёда энг улуг зот бўлган онанинг дилига озор етмасин. Ҳамиша дилини шод, кунглигини обод этайлик.

Г .ЖАББОРОВ

Автоҳаваскорлар диққатига

БЕНЗИН ИСРОФ БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

Транспорт воситасида харжланган ёнилгидан мумкин қадар унумли фойдаланишимиз лозим. Лекин амалиётда бир қатор сабабларга кўра моторнинг самарадорлиги пасайиб бормоқда. Яъни мотор бажараётган ишига нисбатан кўп ёнилги «емоқда». Агар қуйидаги маслаҳатлар билан автомобилни ишлатишдаги хатоларингиз ва мотор камчиликларини бартараф этсангиз, ҳеч шубҳасиз, ёнилгининг беҳуда сарфланиши даражаси нисбатан камаяди, янада аниқроқ айтсак, қўшимча 10-20 фоиз ёнилгини тежайсиз. Моторнинг самарадорлиги ортади. Ишлатилаётган ҳар томчи ёнилги катта маблағ эвазига келаётганлигини унутманг.

Агар ҳайдовчи уз машинасидан унумли фойдаланишга аҳд қилса, ниятига албатта етади. Бунинг учун ҳайдовчилар биз кўрсатган тадбирларга риоя қилишлари даркор.

1. Бир хил кучга эга булган машиналарнинг кичикроғи оз ёнилги «ейди». Машинадаги ҳар килограмм юк ёнилги сарфини оширади.

2. Цилиндри кичик ҳажмли булган машиналар оз ёнилги сарфлайди.

3. Бак ҳеч қачон лиммо-лим тўла бўлмаслиги керак. Айниқса, ёз кунларида ёнилги иссиқликдан кенгайиб қопқоқдан ташқарига тошади.

4. Баки тўла машинани текис жойга қўйинг. Токи, ёнилги бак қопқоғидан сизиб чиқмасин.

5. Машинага мос ёнилги хилини ишлатиш лозим. (93 бўлса 93, 76 бўлса 76 ва х.к.)

6. Машинани мослаштирилган ёниқ ерда қолдириш керак. Зеро, исиб кетган мотор ва унинг ташкилий қисмлари совуқ моторга қараганда баъзи ҳаракатларни озроқ ёнилги сарфи билан бажаради.

7. Қўзғалишдан олдин моторнинг қизишини кутманг. Қисқа масофаларга йўлга тушаётганда қизитишга 30 сония вақт кифоя. Фақат шаҳарлараро сафарда машинанинг ҳаракат кўрсатмасида зарур меъёрда яқинлашишини кутиш керак, акс ҳолда ёнилги ҳаражати 20 фоиз ортади.

8. Моторнинг бирон жойида нуқсон бўлса, албатта ёнилги кўп кетади. Созланмаган мотор меъёридан ортиқ исийди, натижада сувининг қайнаши, қуввати нинг пасайиши ва ёнилгининг кўпроқ сарфланишига сабаб бўлади.

9. Мотор мойини ўз вақтида алмаштириш лозим.

10. Машинанинг қувватини қирқалиган сабаблардан бири - меъёридан ортиқроқ шовқин чақириши-гуриллашидир. Машинанинг гуриллашини йўқотадиган ёки пасайтирадиган омил уни мойлашдир. Меъёрида мойланмаса, гуриллаш ортаверади, моторнинг қуввати кесилиб, самарадорлиги пасаяди, қисмлари тез эскиради. Шу тариқа ёнилги сарфиёти 6-10 фоиз ортади.

(Давоми бор)

Ахтам Бўронов оиласи Қоровулбозор туманидаги аҳил оилалардан бири. Суратда: (чапдан иккинчи) Ахтам Бўронов оила аъзолари даврасида.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат

Ибратли ҳикоятлар

ХАЗИНА

Бир нодон кишининг бир халта тилласи бор эди. У бир боғда ерни ўйиб чуқурча ясади ва тилладарни халтаси билан у ерга қўйди. Кейин чуқурчанинг устини тош билан беркитди. У киши ҳар куни тиллалар қўйилган жойга келарди, тошни бир четга суриб, бармоқларини чуқурчага тиқиб, тиллаларни ушлаб курарди. Бу ишидан у кўп завқланарди. Бир куни у яна уша ерга келди, тошни суриб, аввалгидек бармоқларини чуқурчага тиқди. Не кўз билан кўрсинки, тиллалар жойида йўқ эди. Қаттиқ асабийлашди. У кишининг хизматчиларидан бири тиллалар қўйилган жойни биларди ва пайт пойлаб ҳамма тиллаларни ўғирлаган эди. Нодон киши яқинларидан бирининг ҳузурига борди, булган воқеани гамгин кайфиятда сўзлаб берди. Қариндоши деди: — Ғамгин бўлишдан ҳеч фойда йўқ. Тиллаларинг борида ҳар куни улар жойида турибдимикан, деб ўйлардинг, кечалари ўйқунг бузиларди. Энди эса хотиржам ухлайсан. Чуқурча эса жойида. Ҳар қанча хоҳласанг, бармоқларингни у ерга тиқишинг мумкин.

ҚАНОАТ

Катта бойлардан бири хитойлик донишманднинг озиқ-овқат ва кийим-кечакка муҳтож бўлиб қолганини эшитиб, ўз хизматчиси орқали совға ва хат жўнатибди. Хатда шундай деб ёзилган экан: — «Агар мен бировга бирон нарса берсам, яхши ният билан бераман. Шу нарсани чуқурчага отиб юборгандай бўламан».

Хизматчи қайтиб келиб, бойга донишманд ҳеч бир сабаб кўрсатмай совғаларни олишдан бош тортганлигини айтди. Шунда бой донишманд ҳузурига ўзи бориб:

— «Менинг бойликларим беҳисоб, сенинг эса ҳеч вақонг йўқ, нега мен юборган нарсаларни олмадинг?» — деб сурабди.

«Сен бировга нарса берсанг, шу нарсани чуқурга ташлаб юборгандай бўлар экансан. Мен эса қанчалик камбағал бўлсам ҳам, одамларнинг ортиқча нарсаларига муҳтож эмасман. Улар олтину кумуш, ёқуту зумрад бўлса ҳам мен улар ташланадиган чуқурча бўлолмайман. Аллоҳга шукур қилиб, қаноат билан яшайман. Қаноат менинг бойлигимдир», — деб жавоб берибди донишманд.

Баҳриддин Турғунов тайёрлади.

Уй бекаларига

ҚОТГАН НОНДАН...

Дастурхонда ортган нон озми, кўпми бундан қатъий назар уни тўғраб офтобда ёки духовкада қуритиб, халтачаларга солиб қўйилиши керак. Чунки нонинг суви қолмаган ёки бошқа намни тортиб олган бўлса бир кунда могорлайди, пўнамак босади. Қаттиқ нонда эса бундай микроорганизмлар ривожлана олмайди. Беш стакан нон талқонга бир стакан шакар аралаштириб, сут билан дастурхонга тортсангиз яхшигина нонушта бўлади.

Қозонга сабзи, шолғом пиёз ва гўшт солиб милдиратиб қўйсангиз, вақтингиз анча тежалади. Сабзавотларнинг меваси гўштдаги ёғ аралашиб, яхшигина қайнатма шурва ҳосил бўлади. Қосаларга сузгач, қаттиқ нон солсангиз, у буртиб, хунҳўрлиги ортади. Тўқ тушар овқат бўлади.

Ёз фасли иштаҳа бўгилган... Шунда сиз помидор ва пиёздан силлиққина қилиб салат тайёрланг, селига қаттиқ нон бўлакларини ботириб есангиз, иштаҳа очиладиган ва яхшигина тамадди бўлади.

Ибн Сино сабоқлари

ХАРМОЛ – ИСИРИҚ

Исириқни бугин огриқларига ва ирқуннасога суртиш фойдалидир. Бунда шаробнинг маст қилишдек қуввати бор.

* * *

Агар исириқни асал, шароб, каклик ёки товуқни ути ва бодиён суви билан эзиб ишлатилса, кўриш қувватининг заифлашганига мувофиқ келади. Ичиш ва суртиш сийдик ва ҳайз қонини қаттиқ юргизади.

ҲИММАС – НЎХОТ

Нухотни ейиш ва ундан маҳҳам қилиб суртиш нуқтали қонталашларни кетказади ва рангни яхшилайди.

* * *

Иссиқ шишларга, қаттиқ шишларга ва бошқа шишларга, шунингдек, белларда бўладиган шишларга фойда қилади.

* * *

Нухот ёғи темираткига фойда қилади: нўхотнинг уни эса ёмон хил яраларга, саратон яраларига ва қичимага ишлатилади.

* * *

Орқа мушакларидаги огриқка фойда қилади.

* * *

Бошдаги ругубатли тошмаларга фойда қилади.

* * *

Нухот ивитилган сув эса тиш огригига ва милкдаги иссиқ ва қаттиқ шишларга фойда қилади.

* * *

Қулоқлар остидаги шишларга ҳам фойда қилади.

* * *

Нухот қайнатилган сув истисқо ва сариқ касалига фойдалидир.

* * *

Қора нухотнинг қайнатмаси бодом ёғи, турп ёғи ва петрушка ёғи билан ишлатилса, қовуқ ва буйрақдаги тошларни майдалайди.

* * *

Нухотни сиркага солиб қўйиб оч қоринга ейилса, бошқа нарса емасдан яна ярим кун сабр қилинса, гижжаларни улдиради.

* * *

Нухот сийдикни ҳайдайди.

ХАДИД – ТЕМИР

Темир занги оташак ва тошмаларга қўйилади.

* * *

Темир зангини шароб билан подаграда қўйилса, фойда қилади.

* * *

Темир зангини жуда ўткир сиркада эзиб қайнатилса, у сирка қулоқдан эскидан йиринг оқиб юришида дори бўлади.

* * *

Темир занги қовоқнинг ғадир-будирлигига ва кўздаги нохина касаллигига яхшидир.

* * *

Ичида қизиган темир ўчирилган шароб ва сув талоқ шишига, меъданинг бўшаганига ва заифлашганига фойда қилади.

ҲАЙЯ – ИЛОН

Илон шурваси маховга зўр фойда қилади. Тулки касалида истеъмол қилинса, фойдаси катта бўлади.

* * *

Илоннинг пусти шаробда қайнатилиб, қулоққа томизилса, қулоқ огригини қолдиради.

* * *

Илон шурваси ва гўшти қувватли қилади. Гўштининг хосияти шундаки, у ортиқча хилтларни терига утказади.

ЯБРУҲ – МЕҲРИГИЁ

Меҳригиё, яъни ҳар бир катта меҳригиёнинг илдизидир. Шаклли одамнинг суратига ухшайди. Унинг илдизи муҳаббат ҳиссини кўзготувчидир.

* * *

Бунинг япроғи билан, айниқса ҳўл япроғи билан теридаги қора нуқталарни бир ҳафта ишқаланса, у нуқталарни яра қилмасидан, сепкилни ачиштирмасдан кўчиради.

* * *

Илдизини толқон билан қўшиб, бугин огриқларида боғланади. Баъзан «фил касаллиги»да ишлатилса тузатади.

* * *

Уни доғланда, хатна қилинда ва ништар урилда ичирилади. Чунки бунги ичган киши карахт бўлиб, уйқу босиб, огриқ аламини сезмайди.

* * *

Бунинг ёпи — суви кўзга ишлатиладиган дорилар таркибига кирса, ўтакетган зўр огриқни ҳам босади.

Саидмурод САИДАҲМАТ тайёрлаган.

Ўзингизни ўзингиз даволанг

ЖИГАРНИ ТОЗАЛАШ

Ичакларни эски нажаслардан тозалаб ва қонни кучли ичак заҳарларидан қутқаргач, жигарни тозалашга киришиш мумкин. Жигар қонни кўп зарарлардан тозалайди.

Биллирубин жигарда филтрланиши ва ун икки бармоқли ичакка чиқиши керак. Агар жигар қондаги ахлатларни тозалай олмаса, биллирубин қонга қўшилиб кетади. Натижада унинг қонда йиғиндиси кўпаяди, модда алмашувини бузади. Биллирубиннинг қонда кўпайиши сабабли бир қисми жигарда қолади.

Жигар йўлларини бекитиб холестирин ҳам тушади. Жигарда қуринган тошлар ва ут пуфаги билан бирга жарроҳлик чоғида олиб ташланганлигини ҳал қилмайди. Ҳамма «асосий чиқиндилар» жигарнинг ўзида туради. Халқ табобатида жигарни тозалашни ичаклар тўла тозаланганда кейинги на ўтказиш тавсия этилади. Шундай қилинмаса, яна тозаланаётган жигардаги туриб қолган чиқиндилар қонга шимиб утиш хавфи қолади. Жигарни тозалаш учун тайёрлаш — ҳафта давомида вегетарианларча овқатланиш фойда беради.

Биринчи кун эрталаб оч қоринга клизма қилиш керак. Кун бўйи янги тайёрланган олма шарбати билан озиқланинг. Иккинчи кун шунинг ўзи. Учинчи кун ҳам шундай, аммо озиқланиш 19 гача. Шу вақтда кундалик биоритмга асосан жигар бўшашади ва тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай катталикдаги тошлардан халос бўлиш мумкин. Тўшакка ётиб, жигарга грелка қўйилади ва ҳар 15 минутда 3 ош қошигича зайтун ёғидан ва кетидан шу заҳотиёқ 3 ош қошигича лимон шарбати ёки 1 стакан, бирданига тозалаш учун 200 гр. сарфланади. Грелкани ўнг қовурға тагида 2-3 соат тутилади. Кейин тинчгина ухлаш мумкин.

Ичаклар ишга киришгандан кейин яшил биллирубин тошлар туша бошлайди. Улар лой ёки пластилин ҳолатидаги тузилишда бўлади. Холостерин тўсиқлари, сезги ҳолатини йўқотган шиллиқ булакчалар ва қуланса ҳидли қора ут қисмлари, ҳаммаси бўлиб 3-4 марта чиқади. Шундан кейин тозалаш клизмасини қилиб, енгилгина нонушта қилинади. Зайтун ёғи ўрнига тозаланган усимлик ёғларини ишлатиш мумкин (пахта ёғи, писта ёғи). Жигар тозалашни 2-4 ҳафтадан кейин ҳам такрорлаш мумкин. Баъзан биринчи тозаладан кейин жигардаги чиқиндилар унча тўла бўлмайди, аммо 3-4-кунлари жигарда оғирлик сезилади. Бу эса «қолиб кетган чиқиндиларни» тозалаш кераклиги белгисидир. Биллирубин нормаси курсаткичлари қонда ортиқча бўлмаса, киши бардамлашади, фикрлаш қобилияти ошади, айниқса бугинларнинг ҳаракати сезиларли даражада яхшиланади.

Жигар тозаланганда кейин бугинлар тозаланади. Шунда ҳар хил чиқиндилардан халос бўласиз.

Мария БОРЗИХ.

Таниш сиймоларнинг нотаниш қирралари

КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...

ёки ажойиб инсон ҳаётига чизгилар

Бундай одамлар ҳаётда кам. Лекин минг шукурки, улар бор ва орамизда яшайди. Бир дона очилган лола далани безаганидек, бутун жамоани шундай инсонлар бойитади. Қуйидаги илиқ сўзлар етти фазилатни ўзида бирлаштирган доно раҳбар, чинакам дўст Наби Мажидов ҳақида.

Оқсоқолнинг хислатларини билмоқчи бўлсангиз, марҳамат, уларни кузатинг, албатта ҳамсуҳбат бўлинг. Ушанда ёшми ё қари, бойми ё камбағал, эркакми ё аёл, ўзбекми ё бошқа миллат кишиси- ҳамма ҳамсуҳбатларига бирдай илиқ муносабат, ёниқ меҳрни сезасиз.

Бу фазилат айниқса, оқ халат кийганларида янада ортади. Шунда у янада мулойим, дилкаш, ширин сўз бўлиб қолади.

Қирғизистоннинг Чулпонота туманидаги ажойиб манзарали жойда дам олаётган эдик. Бир қирғиз, кимдан эшитибди, билмадик, орангизда асаб касали табиби бор экан, ўша одамнинг олдига маслаҳатга келувдим, деб сураб қолди.

— Мен табибман, биродар, сизга қандай маслаҳатим керак бўлиб қолди, суранг, — дебдилар. Наби ака унга юзланиб.

— Ока, хотирам чатоқ бўлиб бораяпти, — деди у Тошкент шевасида, — нима қилишни айтсангиз?

Наби ака ўзларига хос босиқлик билан:

— Биринчи навбатда парҳез сақланг, — дедилар ва ҳазил аралаш: — қандай таомларни ёқтирасиз, тақсир, — деб сўрадилар.

— Қирғиз бўлсам ҳам қўй гўштидан тайёрланган палов турани, нимайди?

— Қази-чи?

— Қази билан думбасиз палов, паловми?...

— Тушунарли, агар хотирангиз яхши бўлишини истасангиз, боя айтганимдек, гўштли, айниқса думбали паловдан ўзингизни тиясиз. Уч, тўрт ойда ижобий ўзгариш бўлмаса, унда Тошкентга, ҳузуримга келасиз, — деди Наби ака, унга ўзларининг ташриф қоғозчаларини узатар эканлар.

Бемор раҳмат айтганича, биздан узоқлашди. Икки соатлар ўтар-ўтмас тўла бир лаган пиширилган думбали гўшт олиб келди.

— Гўшт ема, деганингиз учун, менга атаб пиширилган гўшт қовурдоқни илиниб, сизларга олиб келдим, — деди у лагани ўртага қўяркан.

— Ана кўрдингларми, табибларни Худои таоло насибали қилиб яратган-да, — дедилар Наби ака бир бўлак гўштни олиб, бизни ҳам олишга ундаб.



Ўша кунги саёҳат хотирамизда муҳрланиб қолди.

Наби Мажидовни сабр-тоқатли, матонатли одам, дейишади. Бу рост гап. Олим сифатида камситилган даврда ҳам, табиий офат қулфат етказганида ҳам, баъзи ҳасадчилар тинмай тош отганда ҳам ўз сўзидан, ўз йўлидан қайтмаган, бахт калити меҳнатда, деб қараган ва шунга амал қилган.

Ёзувчи Неъмат Ёқубовнинг «Жон» китобида бу камсухан инсон тасвирланган. Ҳақиқатдан ҳам Наби ака ўзининг одамийлиги, меҳрибонлиги билан чинакам обрў, мартабага эришди. Ҳозир у Оврупо ва Осиёдаги қанча тиббиёт фанлари Академияларининг академиги, Нью-Йорк ФА ҳақиқий аъзоси, Узбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонларига эга. «Невропоталогия» деган дарслик ва бир қанча китоблар муаллифи. Газета ва журналларда нашр этилган мақолаларининг сон-саноғига етиш қийин. Бу тинибтинчимас олим «Ақлнинг қури—сабр» деган ҳикматга бежиз амал қилмас экан.

Наби Мажидов дўстни улуғлай оладиган, садоқатли инсон.

Ўз соҳасининг билимдони, «Шарқ» нашриёт-матбаа концеридек улкан даргоҳга кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётган Ислом Шоғуломов билан Наби Мажидовнинг дўстлиги оғир синовлардан ўтди. Ҳар иккисининг бошларига не-не оғир кунлар тушмади. Баланд парвозлар, кейин... Аммо ноҳақликлар бу чинакам меҳнаткаш ва доно инсонларнинг қаддини буколмади.

Ўз қадрини билган одамгина бошқаларни ҳурматлаши мумкин.

Узларининг асосий ишлари бўлган Узбекистон Республикаси Неврология илмий Маркази директорлигидан ташқари жамоатчилик асосида «Сиҳат саломатлик» журналига бош муҳаррирлик қиладилар. Яна кўпгина бошқа жамоатчилик ишларида фаол қатнашадилар.

К. Гельвеций «Одамларга инсон табиати тажрибаси идрокига асосланган инсоний ахлоқ керак» деб ёзган экан. Наби ака кўпинча Инсон қандай бўлиши кераклиги ҳақида ваъзхонликнинг кераги йўқ, — деб тўғри айтади. Бу киши яхшилик ҳақида, одамийлик ҳақида ваъз ўқимайдилар. Ана шу одамлар ўзларида тўла жамулжам. Шунинг учун кўпчиликнинг меҳрига, ҳурматига, эъзозига сазовор бўлган эди.

Наби Мажидов мени кўриб, қучоқ очиб келдилар. Бағриларига босиб, бир дам жим турдилар. Шу вақт юрагимнинг уришига қулоқ тутдилар, чоғи, Тўлқинбой, узоқ яшайсиз, худо ўзи сизга меҳрибон, — дедилар ширин табассум билан.

Мана ўн дақиқа вақт ҳаётимизнинг энг ширин, энг лаззатли, мени бахтиёр қилган дами эди. Бунинг учун бу азиз инсонга қуллуқ қиламан.

Наби Мажидов сингари ноёб фазилат эгаларининг умрлари узоқ, ўзлари бахтиёр бўлишларини жуда истайман. Омон бўлинг азиз инсон, азиз шифокор!

Тўлқин МУҲИДДИН.

МАҲМУД УСМОНОВ

Узбек миллий амалий санъати оғир жудоликка учради. Атоқли уста, замонавий ганчкорлик мактабининг асосчиларидан бири, Узбекистон халқ рассоми, Узбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси, Давлат мукофотлари соҳиби Маҳмуд Усмонов 1997 йилнинг 1 июль куни 88 ёшида вафот этди.

Тошкент шаҳрида туғилган Маҳмуд Усмонов миллий ганчкорлик санъатининг сир-асрорларини отасидан урганди. Тинимсиз меҳнат, халқимизнинг бу қадимий санъатига чуқур ҳурмат, машаққатли ижодий изланишлар натижасида у чинакам халқ устаси даражасига кўтарилди. Бутун самарали фаолияти давомида у кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Халқ амалий санъати анъаналарини замонавий меъморчиликка катта маҳорат билан татбиқ эта билди.

М.Усмонов мамлакатимиздаги бир қатор меъморчилик обидаларига қайта жон бахш этишда бош-қош бўлди, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Тошкентдаги Халқ амалий санъати музейи каби гўзал иншоотлар унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида таъмир этилган.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги театр, халқлар дўстлиги саройи, хорижлаги бир қатор замонавий иншоотлар ва бошқа кўплаб ўзида миллий санъатимизнинг бебаҳо анъаналарини мужассам этган замонавий муҳташам биноларни безашда М.Усмоновнинг ҳиссаси каттадир.

У миллий халқ амалий санъати анъаналарини тиклаш, уни асраш, кўплаб ёш истеъдод эгаларини ўстириш, ularда ватанпарварлик, меъморчилик санъатимизга ворислик туйғуларини шакллантириш йўлида астойдил меҳнат қилди, чинакам мураббий сифатида фаолият кўрсатди.

Унинг маданиятимиз ва санъатимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланган. У «Узбекистон Халқ рассоми», Узбекистон Бадиий академияси фахрий академиги унвонларига, Давлат Мукофотларига сазовор бўлган.

Машҳур уста, меҳрибон устоз, камтарин инсон Маҳмуд Усмонов хотираси қалбимизда доим сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Т. АЛИМОВ, Ў. РАҲМАТОВ, А. АЗИЗХЎЖАЕВ, Х, ЖЎРАЕВ, Т. ҚЎЗИЕВ, Ж. ҚУТТИМУРОДОВ, С. МАҲМУДОВ, Р. МАТЧОНОВ, М. АСАДОВ.

Ислоҳот одимлари

ИНҚИРОЗДАН ҚАНДАЙ ЧИҚДИК

Бозор иқтисодига ўтиш босқичининг вақтинча келтириб чиқараётган қийинчиликлари халқ хўжалигининг барча соҳасида бўлгани сингари савдо тармоқлари ходимларини ҳам имтиҳон қилмоқда. Зеро, бугунги кунда илгарилари юқоридан белгиланган режалаштириш асосида келтириб турилган молларни осонгина сотиб илғор ҳисобланган кўпгина ташкилотларнинг томоғигача қарзга ботиб қасодга учраётганлиги сир эмас. Янгиқўрғон туманидаги 15 қишлоқда истиқомат қилаётган 48 минг аҳоли хизматидаги Заркент матлубот савдо ишлаб чиқариш жамияти ҳам бундан уч йил олдин ана шундай жамоалар қаторига тушиб қолганди.

- Ҳақиқатан 1995 йилнинг июнь ойида ишга тайинланган вақтимда ташкилот зиммасидаги қарз 26 млн сўмдан ошган эди,- дейди шу мавзуда суҳбатлашганимизда ҳиссадорлик жамиятининг раиси Мухторхон Асроров. - Маълум бўлишича, ҳар хил жойлардан ишонч қоғози-ю ваъдалар билан мол олина берган, уларнинг пулини қайтариш ҳақида дуруст бош қотирилмаган, «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш юритилган. Ҳар ким аравани ҳар қаёққа тортишга тушиб қолган экан. Шу боисдан биринчи навбатда бу ердаги аҳволни, шарт-шароитни пухта урганиб чиққандан сўнг ходимларни саралашга, ишбилармон, меҳнаткаш, ҳалол кишиларни ишга тортиш, ёлғиз чунтагидан бошқани ўйламайдиганлардан халос бўлиш чораларини кўрдик. Ўзимиздаги мавжуд маҳаллий имкониятлардан фойдаланган ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда қарздан қутилиш ҳаракатига киришдик.

Бу борада қандай йўл тутдик? Даставвал, ишлаб чиқаришни ташкил этдик. Тухтаб қолган қандолатчилик, нон цехлари камчиликларини бутлаб қайтадан ишга туширдик. Уларда ҳозир 10-15 киши меҳнат қилянти. Туман ҳокимлиги, идорамиз жойлашган жамоа хўжалиги билан келишиб 28 гектар ер олдик ва чорва ёрдамчи хўжалиги фаолиятини йўлга қўйдик. Мана, иккинчи йилдирки, вақти-вақти билан ёрдамчи хўжаликда етилган чорва молларини сўйиб, ўзимизга беркитилган беш қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги касалхоналар ва болалар боғчаларини гўшт ва сут билан таъминламоқдамиз. Бундан ташқари, туман марказидаги ҳасип (колбаса) цехига хом ашё етказиб беряпмиз. Шунингдек, 60-70 нафар қаровчисиз қарияга ва кам таъминланган оилаларга гоҳо арзон нархларда, шароитимиз кўтарган маҳалларда текинга гўшт етказиб беряпмиз.

Маълумки, Президентимиз ҳам, республика ҳукумати ҳам аҳолини биринчи галда энг зарур 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини қўймоқдалар. Бу юмушни бажаришда биз имкон қадар маҳаллий заҳиралардан фойдаланишга интилмоқдамиз. Чунончи, биз яшаётган маскан Наманган вилоятининг тоғлиқ зоналаридан ҳисобланиб, асосан сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган. Шунинг учун ҳам тайёрловчиларимиз томонидан аҳоли томорқасидан ҳамда жамоа хўжаликларидан йиғилган қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик маҳсулотларини белгиланган қиммати буйича алмаштириш ёки сотиш йўли билан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондан гуруч, шунингдек, республикамизнинг қатор шаҳарларидан ва вилоятларидан ун, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор ашёлари келтирмоқдамиз. Масалан, утган йилнинг ўзидагина аҳолидан 170 тонна олма, 300 тонна сабзавот, 40 тонна картошка йиғиштириб олдик ва шу ҳисобдан Хоразмдан 20 тонна гуруч, Тошкентдан эса 10 тонна ёғ келтирдик.

Ҳаракатда баракат, деганларидек, секин-аста товар айланиши режаларини бажаришни бошладик. Мисол учун 1996 йилда бу борадаги режа 101 фоизга адо этилди. Бошқачасига айтганда, 49 млн 192 минг сўм савдо қилишга эришилди. Барча сарф-харажатларни чегириб ташлаганда 360 минг сўм соф фойдага эга бўлдик. Қувончлиси шундаки, анча йиллардан бери ходимларимизга илк бор бир ойликдан маош миқдорида мукофот пули тарқатилди, 88 минг сўм пул эса дивиденд сифатида берилди. Фойда ҳисобига ишлаётганлигимиздан 40 та дуконни енгил таъмирладик. Ёрдамчи хўжалигимизда янги молхонани битказиб ишга туширдик. Идорамиз қошидаги ошхона овқатини ходимлар учун 50 фоизга арзонлаштирдик.

Кези келганлигидан фойдаланиб матлубот жамиятимизнинг қарздан қутилиб, иқтисодий инқироздан тезроқ чиқишига ва қаддини тиклаб олишига алоҳида ҳиссасини қўшаётган жонкуярларимиз номини тилга олиб ўтмоқчиман. Дукон мудирларимиздан Қобилжон Сайдуллаев, Тожиаҳмад Бекпулатов, Маҳбубахон Пулатова, Ҳакимбой Жабборов, Бекпулат Турсунқулов, Толибжон Соатовлар шулар жумласига киради.

Булардан матлубот жамиятимидаги ҳамма иш сип-силлиқ кетаётган экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта, деди суҳбат охирлаётганида Мухторхон Аҳроров барча савдо ташкилотлари учун кундаланг турган муаммо бизни ҳам четлаб ўтмаган. Очиғини айтганда, юқорида тилга олинган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотини топиб келтириш тобора қийинлашиб бормоқда. Сабаби битта: олдиндан пул ўтказиш керак. Маблағ эса йўқ. Бу муаммони ҳал этиш учун оборот маблағ зарур. Бинобарин, тегишли давлат идоралари шу мақсад учун маҳаллий банклардан енгил фоизлар ҳисобига савдо ташкилотларини пул билан таъминлаш чорасини кўришлари керак. Шунда ҳам таъминот яхшиланган, ҳам кооперация соҳасида иқтисодий инқироз тезроқ барҳам топган бўлур эди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Висол. И. ШАРИПОВ фотолавҳаси

Ўзбекистон ва жаҳон

СЕҲРЛИ ДИЁР — УЛУҒ ЙЎЛДА ЁР

4 июль — Америка Қўшма Штатлари миллий байрами куни. Бундан 221 йил аввал — 1776 йилнинг 4 июлида АҚШ мустақил давлат сифатида эътироф қилинган эди.

Америка Қўшма Штатлари ҳақида гапирганда, аввало, унинг жаҳондаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлардан бири эканлигини қайд этиш лозим. АҚШ маъмурий жиҳатдан 50 та штат ва Колумбия Федерал округига бўлинади. Пойтахти — Вашингтон шаҳридир. Мамлакатнинг умумий майдони 9,4 миллион квадрат километр, аҳолиси 253 миллион киши. Давлат ва ҳукумат бошлиги — Президентни аҳоли тўрт йил муддатга сайлайди. 1993 йилнинг ноябрида бу юксак лавозимга Уильям Жефферсон Клинтон сайланган. Утган йили бўлган сайловларда эса Президент Клинтон яна бир бор ғалаба қозониб, АҚШ раҳбарлигига иккинчи муддатга ҳам сайланди. У АҚШ тарихидаги 42-нчи президентдир.

Мустақиллик шарофати боис, дунедаги энг тараққий этган давлатлардан бири — Америка Қўшма Штатлари билан Узбекистон ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларга асос солинди. Америка ҳукумати давлатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб — 1991 йилнинг 27 декабрида расман тан олди. Узбекистон ва АҚШ ўртасида 1992 йил 19 февралида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг, Вашингтонда эса Узбекистоннинг элчихоналари самарали фаолият кўрсатиб турибди. Дипломатия муносабатларига асос солинганидан буён икки томоннинг кўплаб ҳукуматлараро келишув ва битимлари кучга кирди. Узбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги турли соҳаларга доир алоқалар самарали ва жадал суръатда равнақ топмоқда. Биргина иқтисодий муносабатларда ҳар икки томон катта муваффақиятларга эришмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми йил сайин ортиб боряпти. Жумладан, утган йили бу кўрсаткич бир миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилда бундан ҳам катта мабланга эришиш кўзда тутилган. Биз Америкадан буғдой, халқ истеъмоли моллари, турли техника ва коммуникация ускуналарини оламиз. Ўз навбатида АҚШ Узбекистондан асосан пахта, нефть маҳсулотлари, ҳўл ва қуруқ мевалар, қоракул териси ва бошқа ноёб товарларни сотиб олади. Бугунги кунда Узбекистон билан АҚШнинг бир қанча йирик корпорация ва компаниялари, банк ва халқаро ташкилотлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Американинг «Боинг», «Манхеттен», «Чейз», «Эксон», «Ньюмот-майнинг» каби йирик корпорация ва банклари юртимизда ўз ваколатхоналарини очгандар, бир қанча компаниялар эса узбекистонлик шериклари билан ҳамкорликда йирик қўшма корхоналарни ташкил этганлар. Намангандаги «Зараф шон—Ньюмонт» олтин ишлаб чиқариш қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

1996 йилнинг июнь ойида Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий сафари бўлиб ўтди. Мазкур ташриф давомида юртбошимиз АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки томон музокараларида Узбекистон — Америка муносабатларини янада равнақ топтиришга қаратилган муҳим ҳужжатларга имзо чекилди. 1997 йил ҳам Узбекистон ва АҚШ муносабатлари равнақида муҳим аҳамият касб этди. Йил бошида Узбекистонга Американинг хориждаги хусусий сармоялар буйича корпорацияси (ОПИК) Президенти Рут Харкин хоним ташриф буюрди. Шунингдек, АҚШ Конгрессининг Билл Арчер бошчилигидаги йирик делегацияси юртимизга ташриф буюриб, икки мамлакат парламентлараро алоқаларини кучайтиришга доир муҳим масалаларни муҳокама этди. Бундан ташқари, мамлакатимизга АҚШнинг бир қанча иқтисодчилар, сиёсатдонлар ва ҳарбийлардан иборат кўплаб бошқа делегацияларининг ташрифлари бўлиб ўтди. Буларнинг бари икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва узаро ишонч алоқаларини кучайтиришга хизмат қилади. Яқинда эса Узбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Вашингтонга расмий сафари муваффақиятли якунланди. Мазкур ташриф чоғида давлатимиз Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Америка ҳукумати вакиллари билан икки мамлакатнинг узаро ҳамкорликни ривожлантириш буйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясини ташкил этиш тўғрисида келишиб олди. Мазкур янги тузилманинг фаолияти Узбек — Америка муносабатларини янада кенгайтириш, узаро манфаатли ҳамкорликни равнақ топтиришга қаратилади.

Узбекистон узининг буюк келажагини барпо этмоқда. Халқимиз ва ҳукуматимиз эркин демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. Бу йўлда жаҳоннинг барча тараққий этган давлатлари тажрибалари бизга катта кумак бўлади. Шу маъноda, жаҳонда сеҳрли диёр сифатида танилган Америка Қўшма Штатларининг Узбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишига бўлган мойиллиги ва ўз навбатида юртимизнинг Америка эришган ютуқларга бўлган интилиши улуғ йўлдаги доимий ҳамкорлигимиздан дарак беради.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

СПОРТ

ОЛИМПИЯ МУЗЕЙИГА ПРЕЗИДЕНТ ТАҚДИМИ

Спорт мухлисларига маълумки, шу йил май ойида Осиё Олимпия қўмитаси Президенти Аҳмад Шайх ас-Сабоҳ Президентимизга спортни ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси учун Олимпия «Олтин ордени» топшириган эди. Энди ушбу орден Олимпия музейида халқаро Олимпия қўмитаси тақдим этган Олтин орден қаторидан жой олди.

Ушбу Олтин совғани Олимпия музейига Узбекистоннинг таниқли спортчилари Узбекистон Давлат спорт қўмитаси раҳбарлари миллий Олимпия комитети вакиллари, журналистлар, спорт фахрийлари шоҳидида бош вазир уринбосари Алишер Азизхўжаев «Олтин орден»ни музей директори Анвар Акрамовга тантанали равишда топширди. Ушбу анжуманда сузга чиққанлардан Узбекистон Давлат физкультура институти ректори Ҳамроқулов, бокс буйича миллий жамоамиз бош мураббийси В. ШИНлар бу улкан орден юртбошимиз учун спортимизга қўшган жуда катта меҳнатлар эвазига, шунингдек, соғлом авлодни тарбиялашдаги вазифалар учун келган, дея таъкидлашдилар.

«КАФОЛАТ ИНВЕСТ»
БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

DAROMAD *Plus*

бир дона акция нархи **100 сўм**

ҳар бир акция **600 сўм** *актив билан таъминланган*

ШОШИЛИНГ: ХИФ «Даромад Плюс» акциялари Халқ банки ва Турон банкининг ҳамма шохобчаларида сотилмоқда.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй «Биржа Маркази», 18-хона. Тел: 1320748, ички 300.

ХИФ «Даромад Плюс» акциялари фойдали ва ишончлидир.
07.01.97 йил 460-сонли лицензия.

«ҚАШҚАДАРЁСАЙЁҲ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз фуқароларини, жамоаларини воҳадаги манзилгоҳ ва зиёраттоҳларга, шунингдек жонажон республикамиз ва хорижий давлатлар бўйлаб саёҳатларга таклиф қилади.

Сайёҳлар Қарши шаҳрида Қиличбек мадрасаси, Кўк гумбаз масжиди, Хўжа Жарроҳ, Султон Мирҳайдар зиёраттоҳлари, XVI аср Ўнбир равоқ кўприги каби тарихий обидалар, халқ ҳунармандчилиги ва ўлкани ўрганиш музейлари, «Шуҳрат» қўрғошини, Шаҳрисабз шаҳрида эса улуғ бобоколонимиз Амир Темур қурдирган Оқ сарой қалъасини, Чубин мадрасасини, Дорутиловат, Доруссаодат мажмуалари, Мирзо Улуғбек бунёд этган жаҳонга машҳур халқаро Кенглик станциясини тамоша қиладилар.

«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти биргина сайёҳларни қабул қилмасдан, уларни тарихий обидаларга бой Андижон, Фарғона, Қўқон, Тошкент, Хива, Бухоро шаҳарлари бўйлаб 3-5 кунлик саёҳатларга, шунингдек, Эрон, Англия, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Голландия, Хитой, Кичик Осиё, Араб Амирликлари, АҚШ, Сурия, Таиланд, Туркия, Жанубий Корея мамлакатлари бўйлаб 7-14 кунлик саёҳатларга юборади.

Йўлланмалар жамоалар учун 30 фоизга арзонлаштирилган бўлиб, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ҳарид қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 245-уй. Мурожаат учун телефонлар: 5-46-33, 5-15-61, 4-38-02, 3-57-09.

Бош муҳаррир: САИДАКРОМ САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Х.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БУЛИМЛАР:
Қасаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маданият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тиҗорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0458. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Абдували ТУРСУНОВ 1 2 3 4 5 6